



Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

2010-yil 13-may № 57 (2782) payshanba

Баркамол авлод — мамлакат келажяги



Болалар либослари фестивали



Камоланинг камолот йўли

3-бет



«Улуғ салтанат» — Темурнома кўрки

4-бет



Эҳ эркаклар, эркаклар...

10-бет

САХИФАЛАРИМИЗДА

Пойтахтимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Осиё-рамзи» моделерлар ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда «Болажонлар-ширинтойлар — 2010» болалар либослари фестивали бўлиб ўтди. Унда элликка яқин дизайнер ва моделер янги тўпламларини намойиш этди.

Юртимизда тўқимачилик ва энгил саноатни изчил равнақ топтириш жараёнида болалар учун маҳаллий хомашё асосида қулай ва энгил, миллий ва жаҳон модасининг энг яхши анъаналарини уйғунлаштирган кийим-кечаклар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг йирик маданий-маърифий лойиҳаси бўлган «Болажонлар-ширинтойлар» фестивалида ҳам маҳаллий хомашё, миллий матолар асосида ўғил-қизларнинг ёши, дунёқараши, руҳиятига мос либосларни яратиш, бу йўналишда изланаётган дизайнер ва моделерлар, рассомлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ижодини халқимиз ва кенг жамоатчиликка яқиндан таништиришга асосий эътибор қаратилди. Фестивал соҳада янги номларни кашф этиш, болалар либосларини яратувчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, болалар модасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фестивалда Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти талабалари билан бирга «Коллибри», арт бюроси, «Paradise», «Baby Style» мода мактаблари, «Эски шаҳар» болалар ижодиёти маркази каби масканларда

яратилган болалар кийимлари тўпламлари намойиш этилди.

Баркамол авлод йилида ўтказилган ушбу фестивалда болалар учун спортнинг кўплаб турлари бўйича яратилган кийимлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

— Фестивалда биринчи марта қатнашяпман, — дейди Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти та-



лабаси Мухлиса Тиллаева. — Унга «Бойчечак» номли туркум либосларни тайёрладим. Ушбу маърифий тадбирда болалар модасига оид зарур маълумотлар, янгиликларни олдим, соҳада эришилган ютуқлар билан танишдим, моҳир дизайнерлар маслаҳатидан баҳраманд бўлдим.

Икки кун давом этган фестивалда моделер ва дизайнерлар ижодига бағишланган кўрик, янги кийимлар намойиши, модел ва эскизлар танлови, болалар либосларини лойиҳалаштириш ва яратишнинг ўзига хосликларига бағишланган илмий-амалий анжуман, миллий кўгирчоқлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Фестивал якунига кўра, ёш дизайнерлар — Малика Сайфуллаева «Битирув оқшоми», Ольга Яикова «Тошкент кўчалари», Моҳинур Юсупова «Кўркам либослар», Алишер Гиёсов «Спорт услуги», Зарина Қодирова «Бўлажак она», Юлдуз Худойбердиева «Миллий матолардан фойдаланиш», Нодира Рихсиева «Миллий услуб», Азиза Изомова «Ёш дизайнер», Мастура Баҳодирова «Ёзги ҳордиқ», Диёра Каримова «Спорт либослари» каби йўналишларда голиб деб топилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири
Аъло АБДУЛЛАЕВ
(ЎЗА) олган суратлар

Тадбир

Термиз шаҳридаги вояга етмаган, ота-онасиз, ногирон болалар ҳамда 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари «Болажон» боғига таклиф этилиб, шаҳар прокуратураси ташаббуси билан шаҳар ҳокимлиги, ички ишлар бўлими, Давлат солиқ кўмитаси, тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими бўлими, хотин-қизлар кўмитаси, худуддаги касб-хунар коллежлари, тижорат бозорлари ҳомийлигида «Сен ёлғиз эмассан» мавзуда тадбир ўтказилди.

«Сен ёлғиз эмассан»

Карнай-сурнай садолари Термиз санъат коллежи талабалари томонидан тақдим этилган концерт дастури билан янада уйғунлашиб кетди. Тўкин дастурхон ёзилиб, яхна ичимликлар, ширинликлар, музқаймоқлар тортилди. «Фарҳод» ресторанида тайёрланган хушхўр таомлар тановул қилинди. Тадбир сўнггида қатнашчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

Касаба уюшма ҳаёти

Тадбирлар белгиланди

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг VIII мажлиси бўлиб ўтди.

Унда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг V конференциясини чақириш, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида фикр алмашилди.

Мажлис қарорига кўра, V конференцияни 2010 йилнинг август ойида ўтказиш белгиланди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Мамлакатимизда аҳоли саломатлиги йўлида катта ишлар қилинмоқда. Буни Наманган вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Аҳолига қулайлик

Яқинда вилоят маркази ва туманлардаги 12 та туғруқхонага Германияда ишлаб чиқарилган янги жиҳозлар топширилди. Осиё тараққиёт банкнинг «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси асосида келтирилган тиббий жиҳозлар беморларга сунъий нафас ва наркоз беришда қўлланилади.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ishonch» мухбири

Лойиҳа

ОИТСга қарши

Андижон вилоятининг 8 та туманида Марказий Осиё ОИТС назорати ташаббуси билан «Вилоятда хорижга кетаётган ва кириб келаётган фуқаролар ўртасида ОИВ инфекциясининг олдини олиш» лойиҳаси иш бошлади.

Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад меҳнат мигрантлари ва уларнинг оиласи орасида ОИВга қарши тарғибот ва ташвиқотни кенг йўлга қўйиш, ўқувлар ва семинарлар ўтказиш, аҳолини ихтиёрий равишда текширувдан ўтказишга эришишдир.

Дастур доирасида 25 минг нафардан зиёд меҳнат мигрантларини камраб олиш ва бу йўлда маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари ва тиббиёт муассалари билан иш олиб бориш кўзда тутилган.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Модернизация

Жамият ва мамлакат ҳаёти-ни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган ислохотлар Шеробод туманида ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, 60 минг бройлерга мўлжалланган паррандачилик фабрикасини ташкил этишни ният қилган «Шўрчи дон» маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти 1 миллиард сўм микдоридagi инвестиция туфайли дастлабки ишларни бошлаб юборди. Корхона шу йилнинг III чорагида тўлиқ ишга туширилади. Бунинг натижасида 200 дан зиёд янги иш ўрни яратилади. «Лола Карим бобо» агрофирмаси ҳам паррандачиликни ривожлантириш учун Шеробод «Агробанк»дан 300 млн. сўм кредит олиб, аллақачон ишга киришиб кетган.

Шеробод

Кулолчилиги

1977 йили ташкил этилган «Кулол» масъулияти чекланган жамиятида кейинги пайтларда ишлар анча орқага кетган эди. Юзага келган мураккаб аҳволдан чиқиш мақсадида Ангрендан олиб келинаётган «Колен» номли кўмирга ўхшаш тупроқ ва Жирданак тоғидан олинаётган пекматит (тош), кварц куми даламентлари бирикмасидан чинни буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада, чойнак-пиёла, шокосалар ишлаб чиқариш кўпайиб, ҳатто инвестиция киритишга талабгор ҳамкорлар ҳам пайдо бўлди.

— Кулолчиликка ҳаваси бор, ишлашга бел боғлаган хунармандлар сони 40 нафардан ошди, — деди «Кулол» МЧЖ раиси Сарвара Қаршиева. — Насиб этса, шу йилнинг иккинчи ярмида корхона тўлиқ ишга туширилиб, 50 та янги иш ўрни очилади.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

Учкўприк туманидаги «Адона Классик» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси маҳаллий хомашё ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди.

Бу ерда 300 минг АҚШ доллари микдорида хорижий сармоя жалб этилиб, Туркиядан ишлаб чиқариш ускуналари келтирилди. Бу эса 40 нафар қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш имкониятини берди.

Айни кунда корхонада уч ўлчам ва ўнлаб кўринишга эга бўлган сара гиламлар туркуми тайёрланмоқда.

Суратда: гилам ишлаб чиқариш цехи тўқувчиси Хусниобод Тўхтасинова.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат



Ҳадемай мактабларда дарслар тугаб, ёзги таътил бошланади. Ўқувчиларнинг таътилни кўнглили ўтказишлари, оромгоҳларда саломатликларини мустаҳкамлаб, мириқиб дам олишлари асосан мутасадди ташкилотларнинг бугунги тайёргарлигига боғлиқ. Хўш, бу жараён вилоятда қандай кечмоқда?

Мухбиримизнинг юқоридаги саволига Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Махсуд Шўқуров қуйидагича жавоб берди:

Оромгоҳлар

файзли масканларга айлансин

— Айни кунларда вилоят ҳокимининг «Вилоятда 2010 йилда болалар ёзги дам олиш оромгоҳларининг тайёргарлигини ташкил этиш ҳамда уларда болаларни соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»га қарорига мувофиқ иш олиб бораёلمиз. Қарорда таъкидланганидек, бу йилги мавсумда 18 та шаҳар орти, шунингдек, 65 та мактаб, мактаб-интернат ва коллежларда кундузги соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилади. 3 босқичдан иборат дам олиш мавсумида 16450 нафар ўғил-қизнинг кўнглили ҳордиқ чиқаришини таъминлаш кўзда тутилган.

Тайёргарлик ишлари олиб борилишини мувофиқлаштирувчи вилоят комиссияси ҳузурида ишчи гуруҳлари тузилди. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари ўз худудларида фаолият кўрсатиши режалаштирилган оромгоҳларни мавсумга талаб даражасида тайёрлашга масъул этиб белгиланган. Ҳар бир масканни сифатли таъмирлаш, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари, тоза ичимлик суви билан таъминлаш тадориги кўрилиб, шунингдек, оромгоҳларга амалий ёрдам кўрсатишлари учун корхона ва ташкилотлар бirkитилган.

Мавсумда қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган боқувчисини йўқотган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оила фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига кўпроқ эътибор қаратилади.

Вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси билан ҳамкорликда оромгоҳларда болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш қамровини кенгайтириш мақсадида бюджетдан ташқари маблағлар, ҳомийлар ва оталиқ ташкилотлар сармояларини жалб этиш вазифаси қўйилган. Бошқача айтганда, оромгоҳларда ижтимоий суғурта бюджети маблағи ҳисобидан 8100, ҳокимлик,

маҳалла ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан 8350 нафар бола соғломлаштирилади.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Нефтьгазқурилиш таъмир» ҳиссадорлик жамияти, «Ўзбектелеком» АК

«Бухоротелеком» филиали каби жамоалар ўз тасарруфларидаги оромгоҳларда болалар овқатланиши учун кўзда тутилган ўртача маблағларга нисбатан 1,5-2 ҳисса кўпроқ пул ажратиш чораларини кўришяпти.

Айтиш керакки, мавсум давомида барча оромгоҳларда маданий-маърифий, спорт тадбирлари ва тўгараклар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилади. Болалар масканларида жамоат тартибини, ўғил-қизлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Ўтган йили болаларни оромгоҳларга жалб қилиш ре-

жаси 101,5 фоизга бажарилди. Бироқ ҳамма оромгоҳлар фаолиятини ҳам намунали дея баҳолай олмаймиз. Масалан, «Ёш қурувчи», «Бунёдкор», «Роҳат», «Ёш автомобилчи», «Ниҳол» оромгоҳларига бirkитилган ҳомий ташкилотлар ташкилий ишларда айрим камчиликларга йўл қўйган. Бундай ҳолатлар жорий йилда такрорланмаслиги лозим.

— Кўзда тутилган режаларни бажаришга киришилди, — деди М.Шўқуров суҳбатимиз ниҳоясида. — Олиб борилаётган ишлар тўғрисида мутасаддиларнинг ахборотлари эшитиб борилаёпти. Мавсумни кўнглили, юқори савияда ўтказиш учун барча имкониятлардан фойдаланилаёпти.

Шу билан бирга, оромгоҳга жалб қилинмаган ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун ҳам қизиқарли тадбирлар ўтказилади. Бу борада вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси, «Камолот» ЁИХ вилоят бўлими кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда иш олиб борамиз.

Суҳбатдош:
Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» Республика танловига

«Бугунги кунда сиёсат ҳақида гапирганда сиёсатчи, иқтисодиёт ҳақида гапирганда иқтисодчи бўлиб фикр юритишни, маънавият ва маърифат ҳақида маърифатчи, ҳаётий-фалсафий муаммолар ҳусусида файласуф бўлиб баҳсга киришишни — мана шундай юксак қобилият ва маҳоратга эга бўлишни ҳаётнинг ўзи журналистларимиз олдига энг муҳим вазифа қилиб қўймоқда».

Юртбошимизнинг мазкур сўзлари ёш журналистларимиз учун дастуруламалдир. Бугун давр ёшларимиздан тезкорлик ва ишбилармонликни талаб қилаяпти. Шу сабабли улар илм олиш билан бирга, шу юрт манфаати ва порлоқ келажагини кўзлаб олган интилишмоқда.

Сўзимизнинг исботини 1988 йили Бўстонлик тумани Бурчмулла қишлоғида зиёли оиласида таваллуд топган, ҳозир Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултетининг 3-курсда ўқиётган Камола Исмоилованинг мулоҳазалари ҳамда яқин йилларда амалга оширишни мўлжаллаган бизнес лойиҳаси мисолида кўриш мумкин.

Мақтабда ўқиб юрган кезлари «Иболи қиз» танловига қатнашиб, туманда биринчи ўринни эгаллаган Камола 2008 йили «Камолот» ЁИХ ўтказган «Камолот» таълим гранти» танловининг республика босқичида ҳам ғолибликни қўлга киритди.

Ёшлар йили унинг учун сермаҳсул келди. «Келажак овози» республика танловининг «Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режа» номинациясида «Ўлкам сарчашмалари» экологик ва этнографик туризм хизматини ташкил этиш» лойиҳаси билан қатнашиб, муваффақиятли одимларини давом эттирди.

Камоланнинг ютуқларини эътиборга олган ҳолда, унинг мазкур лойиҳаси ҳақида маълумот беришни жоиз билдик.

— **Камолахон, айнан шу лойиҳага қўл уришингизга нима туртки бўлди?**

— Болалигим ўтган Бурчмулла-

нинг гўзаллиги мени ҳамиша ҳайратга солиб келган. Энг катта орзуларимдан бири қишлоғим довуғини дунёга таратишдир.

XXI асрда энг тез ривожланаётган ва катта даромад келтираётган соҳалардан бири — туризм. Кўпгина ривожланган мамлакатларнинг асосий даромадларидан бири ҳам айнан шу соҳани ривожлантириш орқали жалб

дир. Зеро, шу орқали ҳам юртимизга турли мамлакатлардан сайёҳларни жалб этиш мумкин.

Мен бизнес ғоямни экологик ва этнографик туризм орқали амалга оширмақчиман. Яъни, ўзим туғилиб ўсган Бурчмулла қишлоғи аҳолисининг миллий удумлари, ўзига хос турмуш тарзи, гўзал табиати, бетакрор флора ва фаунасини реклама қилиш орқали ўз ишимни йўлга қўймоқчиман. Бунда асосан юртимизга анъанавий бизнес орқасидан

Камоланинг Камолот иули

қилинаётган маблағлардир.

Туризм анъанавий ва ноанъанавий турларга бўлинади. Анъанавий туризм тарихий обидаларни, архитектура маданиятини ўрганиш, янги мамлакатларга бориб уларнинг турмуш тарзи билан танишишда намоян бўлса, ноанъанавий туризм охириги ўн йилликларда тез ривожланаётган сектор бўлиб, экологик характерга эгаллиги, табиат гўзалликлари ва ажойиботларини томоша қилиш ҳамда маҳаллий аҳолининг яшаш тарзи, урф-одатлари билан ҳамроҳликда амалга оширилади.

Ўзбекистонимизда ҳам сўнгги йилларда туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Аждодларимиздан қолган маданий мерос, шарқона иншоотлар бутун дунёдан кўплаб сайёҳларни ўзига жалб этмоқда. Туризмни ривожлантириш мақсадида замонавий қулайликларга эга инфратузилмалар барпо этилаёпти, қадимий ёдгорликлар таъмирланмоқда. Айниқса, Самарқанд, Тошкент, Бухоро ва Хивада бу ишлар кенг кўламда амалга ошириляпти.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, асосий мақсадимиз сайёҳларга нафақат тарихий ёдгорликларимизни, балки жаннатмакон юртимизнинг бетакрор табиатини кўрсатиш ҳам-

келган чет эллик сайёҳлар учун экологик ва этнографик дам олиш программасини таклиф этмоқчиман.

Мен танлаган бизнес ғоямнинг ўзига хос томонлари:

— экологик ва этнографик туризм ҳозирги замонда энг ёш ва ривожланиб келаётган соҳа эканлиги;

— ушбу бизнес экологияни асрашга, миллий қадриятларни улуғлашга хизмат қилиши;

— кам харажат билан яхшигина даромад олиш мумкин эканлиги;

— ушбу бизнесни юртини севадиган ва уни дунёга танитиш иштиёқидаги ёшлар билан амалга ошириш мумкинлигидан иборат.

Камоланинг ёниқ фикрлари ҳар қандай тенгдошимизни тадбиркорликка ундаса ажабмас. Зеро, юртимизда ишбилармон ёшлар қанча кўп бўлса, ватанимиз келажаги ишончли қўлларда эканлигига шубҳа қолмайди.

Мамлакатимизда Камоладан-да иқтидорли ёшлар кўп. Лекин қаҳрамонимизнинг бир жиҳати борки, уни бошқалардан ажратиб туради. У масъулиятлиги, берилган топшириқни ўз вақтида бажара олиши ҳамда тенгдошларини яхши ғоялар билан бирлаштира олиш хислатига эга. Бизга эса ана шундай ёшлар сув ва ҳаводай зарур.



Ў

Яна шуни айтиш лозимки, Камола яхши оилада камол топяпти. Бурчмулла қишлоғидаги 41-мактабда қирқ йил тарих ўқитувчиси бўлиб ишлаган онаси Саломат ая маҳалла раиси сифатида ҳам йигирма олти йил фаолият олиб борди. Ҳалигача маҳалла вакили сифатида ишламоқда.

Саломат ая Камола ҳақида гапир туриб шундай дейди:

— Инсоннинг ўзида интилиш бўлмаса, уни минг мажбур қилган билан бирор натижага эришиш қийин. Камола болалигидан тутган ерини кесадиган қиз бўлиб улғайди. Қишлоқ ҳаётини ҳикоя қилувчи кўрсатувларни берилиб кўрар, катта бўлсам, мен ҳам қишлоғимни албатта машҳур қиламан деб ният қиларди. Мана, нияти холис экан, ҳаракат қилиб ўқишга ҳам кирди. Худо хоҳласа, орзусига етишишига ишонаман.

Орамизда Камолага ўхшаш тенгдошларимизнинг кўплиги қувонарли ҳол. Бундай ёшларни юзга чиқаришда «Келажак овози» танловининг ҳам ҳиссаси катта. Чунки бу каби танловлар кўплаб истеъдодли ёшларни кашф этишга хизмат қилмоқда.

Назира БОЙМУРОДОВА

Маънавият сарчашмаси

Миллат муаллими.



Архив

Алоҳида олиб қаралганда, ҳар бир одам умри давомида уч кун (ёки давр) ни яшаб ўтса керак. Кеча, бугун ва эрта. Миллатнинг кечаси, бугуни, эртаси бўлади. Бу заминда кеча яшаб ўтганлар миллатнинг кечасини белгилашди. Улар қандай яшаган бўлса, ўзбекининг кечаси шундай белгиланди. Маълум маъ-

нода ўша кунлар бугунни ҳам яратиб берди ва миллатимизнинг бугунини яшаётган биз, айна пайтда, эртасини ҳам вояга етказаяпмиз.

1

Кечагина бугун биз яшаётган заминнинг шаҳарлари-ю қишлоқларида янги усулдаги мактаблар очиш ташвишида елиб-югурган жадидлар узоқ ўтмишдай туюлади. Тарихимизга оид ўша лавҳаларни ўқиркансиз, гўё қаерда ва қачондир содир бўлган воқеаларнинг тартибсиз оқимиға тушиб қолгандек бўласиз.

Бармоқ билан санарли сонлари чиқиб улгурмаган газета ва журналларнинг ҳали очилиб улгурмасдан тақа-тақ ёпилаётган эшиклар кулоқни қоматга келтирса, бир ёқда бугун отамиз ёки бобомизга айланган болаларнинг қийиқ дўппилари фониди янги усулдаги мактабларнинг ярқираб очилаётган эшиклар-

ри кўзни қамаштиради.

...Катта ойнадан тушаётган ёруғликда ғира-шира кўрина бошлаган миқти жуссали Абдулла Авлоний ўқитувчилик курсисига келиб ўтиради. Муаллим қаршида бизнинг боболаримиз ўтирибди. Кейин у муаллим борини бериб ўқитади. Мактабдан чиқиб, кеча ёзган миллат тақдири ҳақидаги мақоласини чоп этириш учун тахририятга борди. Кеч бўлди. Муаллим уйига кетди. У уйга кетиш керак бўлгани учун эмас, «...ёшларга мурожаат» қилиш учун кетди...

2

«Сўйланатурган сўзлар шахсий эмас, умумийдур, ғурурий... дур...» («Баёни ҳол», «Ойна», 1913 йил, 2-сон).

«Ўн ва йигирма саналар меҳнат ва машаққат этар ва худодан ўғил тилар тўй қилмоқ учун... Йигирма сана-

лик меҳнати уч кун тўйда тамом. Биз тўй ва маърака ҳаёлидан лаззат олардук. Тўйу маъракамиз ила фахр қилар эдук. Йўқ. Яна йўқ. Ҳой, ҳой, халойиқ! Бизлар девонами, соғ? Албатта... Агарда маъракага қадимгидек оқча тўкмасак, ул оқчани на қилмоқ керак?.. Келар замон бошқадур...» («Аъмолимиз ёйинки муродимиз», «Ойна», 1913 йил, 6-7-сонлар).

«...Усти темур, ости тахта, девори ранго-ранг шишакори тахнинилар, бир неча меҳмонхоналар ва онда замона асбоблари олинур. Бу иморатларни ва дастгоҳни одамларга кўрсатмоқ учун зиёфатлар, базмлар керак... Келаримиз ниҳоят қоронғудир...» («Зўраки бой», «Ойна», 1914 йил, 16-сон).

Ёки... «...Бора-бора миллият ва диёнатини ҳам қўлдан берур. Ана ушбу йўллар ила охири маҳф ва нобуд бўлуб

кетар» («Муҳтарам ёшларга мурожаат», «Ойна», 1914 йил, 41-сон).

3

Муаллимимиз ўз вақтида аниқ айтгандики: «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт ё мамот...». Қолганини биласиз.

Эслатиб қўймоқчи бўлган нарсамиз эса ўтган асрда яшаган маърифатпарварларимиз борини бериб айтганлари ҳали «қадимий» бўлиб кетгани йўқ. Аксинча, уларни бугун ҳам ўқиш, ўрганиш, лозим бўлса, ўргатиш зарур бўлиб турибди.

...Миллат муаллими каттакон ойнадан ҳануз тушаётган ёруғлик ичра ўз жойида. У каби муаллимлардан сабоқ оладиган жиҳатларимиз ҳали кўп. Устознинг айтганини қилмаслик эса ҳеч бўлмаганда одобдан эмас.

Тўлқин ТўРАХОНОВ

«Улуғ салтанат» — Темурнома кўрки



лик кўп асар битилмаган ва ҳеч ким бу соҳада Муҳаммад Аличалик ёзмаган. Унинг «Гумбаздаги нур» достони, «Сарбадорлар» тарихий диологияси, «Жаҳонгир Мирзо» ва «Умаршайх Мирзо» романлари ўқувчига ҳаммиша завқ бахш этади. Шу сабаб ҳам унинг икки романи давлат мукофотига сазовор бўлди.

Муҳаммад Али сеvimли мавзусини давом эттириб,

«Улуғ салтанат»га қирувчи «Мироншоҳ Мирзо» романини ёзди. Бу асар соҳибқирон ҳақидаги романларнинг учинчисидир. Шундай қилиб трилогия яралди. Тўртинчи асар устида муаллиф астойдил ишламоқда.

Янги романда ажойиб лавҳа бор. Асир тушган Айбож ўғлонга соҳибқирон шундай дейди: «Фаним лашкари бизга қарши қилич кўтарса, жон-жаҳди билан ёпишса... ўз юртининг тузини ҳалоллаган ҳисобланур! Қайси навкар ўз ҳузурини ўйлаб, юртининг туз ҳақини ва садоқатни унутиб, жанг пайтида ўз сардоридан юз ўгириб, бизга қочиб ўтса, дунёда мен учун энг қаттол душман ўшадир! Айбож ўғлон мард йигит экан, юртининг тузини ҳалоллабди! Иззату икромга сазовор этилсун!» (7-бет).

Соҳибқирон ҳамма аскарда шундай фазилат бўлишини истади.

Хўш, аксинча бўлса-чи? Романдан бунга жавоб ҳам топилади. Бу гоёни очиш учун муаллиф асарига жуда характерли эпизодни олиб кирган. Тўхтамишхоннинг сардорларидан бири кўён каби соҳибқирон томонга қочиб ўтиб, унинг пойини ўпиш даражасига боради. «Ўз соҳибига вафосиз бизга вафо кўргизармиди? Мана шундайлардан худо сақласун!» — дейди саркарда (7-бет).

Соҳибқирон фарзанди Мироншоҳни кўз қорачигидай сақлаб юради. Уни Хоразм маликаси Хонзодахонимга никоҳлаб қўйиши, Султония шаҳрига ҳоким этиши унинг юксак мурувватидан далолат. Аммо уни эмас, набираси Муҳаммад Султонни валиаҳд этиб тайинлагач, Мироншоҳ буни тўғри ҳазм қила олдимиз? Йў! Ичкиликка муккасида кетган, фаҳшга берилган Мироншоҳ отасига шундай мактуб йўллади: «...Салкам ўттиз беш йил Турон тахти маснадида ўлтирибдурсиз. Йигирма бешга яқин юртни мусаххар айладингиз. Дунёга хирс қўймоқ, кибру ҳавага берилмак бундан ортиқ бўлмас. Расулulloҳ ўзлари учун яратилган оламга хирс қўймадилар-а!.. Бас, энди инсоф юзига боқиб, Турон тахтини, салтанат тизгинини уларга раво кўрсунлар (фарзандларга демоқчи — Х.А.). Тахтни фарзандларига бермай туриш ҳам кибрдур, молу мулкка, дунёга хирс қўйишдур» (397-398-бетлар).

Мироншоҳ Мирзо ўзини канизакдан тугилгани учун валиаҳдликдан бебаҳра қолган ва камситилган деб ҳисоблайди. Чунки ўғил туриб, не-вара валиаҳд этиб тайинланади.

Романда соҳибқирон образи жуда пухта чиққан. Унинг ички дунёси чуқур

очилган. У дейди: «Мақсадим — авомуннос эл тинч яшасун. Ўзини бахтиёр сезсун. Фақат юрт эмас, дунё обод бўлсун деймен...» (228-бет).

Кўп қизиқарли сюжет чизиқлари берилгани асар мазмунини бойитиш билан бирга, пухта образлар яратишга ҳам имкон туғдирган. Масалан, валиаҳд Муҳаммад Султон билан Соғинч биканинг севгиси тасвирини тилга олсак, халқ достонларидаги ухшаш қизиқ воқеалар ёдимизга тушади. Соғинч биканинг эркакча кийиниб, Арғуншоҳ лақаби билан мардларча жанг қилиши, севгилиси билан учрашганда ҳам ўзини тутиб, унга сир бой бермаслиги жасур Тўмарисни кўз олдимизга келтиради.

«Футувват ва ахийлик тарихида биринчи марта белбоғ боғланган комил инсон Салмон Форсий ўзи Ироқда, Мадоин шаҳрида ҳоким ҳолида бўйра тўқиб сотиб, ўз меҳнати эвазига тирикчилик ўтказиб, маошини муҳтожларга садақа қилар экан» (259-бет). Романга бу каби маълумотларни киритиш орқали муаллиф замондошларини Салмон Форсийга ўхшаш камтар бўлишга, сахийликка, ҳалол меҳнат қилишга чорлайди.

Роман тасвирий воситаларга бойлиги, воқеаларнинг пухта чиққани билан адабиётимиз дурдоналаридан бўлиб қолишига аминимиз. «Улуғ салтанат» трилогиясини ҳозирнинг ўзидаёқ темурномамиз кўрки деб бемалол айта оламиз.

Хафиз АБДУСАМАТОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Бундан ўттиз йил аввал атоқли адиб Комил Яшин Муҳаммад Алининг «Боқий дунё»сини ўқиб қойил қолган ва куйидагиларни ёзганди: «Боқий дунё» шеърый романининг адабиётимизда сеvinчли воқеа бўлиши шак-шубҳасиздир. У ўқувчиларни ватанни севишга, ватанпарварликка чорлайди, эзгулик йўлида хизмат қилади». Ҳақиқатан ҳам Муҳаммад Али юксак истеъдодини намойиш этиб, бирин-кетин адабиётимизни пухта асарлар билан бойитиб борди. Айниқса, буюк саркарда Амир Темур фаолиятини бутун қиёфаси билан китобхонга кўрсатди.

Соҳибқирон тириклик вақтидан бошлаб унинг сиймоси тарихчилар, шоирлар томонидан куйланди. Юзлаб асарлар яратилди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ҳеч қайси саркарда ҳақида бунча-

Сурхондарёда азалдан доврукли полвонлар, мусаввирлар, хунармандлар, санъаткорлар кўп бўлган. Улар қобилиятини элнинг яхши кунларида намойиш этиб, миллий анъаналаримизнинг шу кунгача етиб келишига муносиб ҳисса қўшишган. 1985 йили Шўрчи туман маданият ва спорт ишлари бўлими қошида ташкил этилган «Булбулигўё» фольклор-этнографик ансамбли воҳанинг ўзига хос табиати, урф-одатларини тараннум этиб, эл хурматига сазовор бўлди. «Булбулигўё»га Раҳматулла Мўминов узоқ йиллар раҳбарлик қилган.

Сурхондарёнинг

— Ансамбли ташкил этишдан мақсад — миллий санъатимиз дурдоналарини авлодларга бус-бутун етказиш, — дейди Р.Мўминов. — Яна унутилиб бораётган кўшиқ, лапар ва айтишувларни тиклашдир.

«Булбулигўё» кўплаб истеъдодларни кашф этди, уларнинг элга танилишига хизмат қилди. Ансамбл аъзолари халқимиз асрлар оша эъзозлаб келган санъат дурдоналарини қишлоқ-ма-қишлоқ юриб тўплади ва элга тақдим этди. Шундан бўлса керак, репертуари йилдан-йилга бойиди.

Ансамбл репертуаридаги дўмбирачи Абдухамид Янгибоевнинг «Чўпон чалиш», «Оҳ-во», «Барчиной», сибизгачи Нодир бобонинг «Какку», «Бедана сайраш», «Ҳалинчак», «Туя жўртиш», Абдурашид бобонинг «Чақирик», «Андирҳаё», «Худога нола», чанқовузчи Ойсоат Зокирова ижросидаги «Ўйин базми», «Ёр излаб», «Гул ҳидлаб» каби куй ва кўшиқлар қайта тикланган қадимий асарлардир. Бун-

дан ташқари, маҳаллий ҳаваскорларнинг «Чанқовуз жилолари», «Ойбулоқ», «Ойдимхо» каби кўшиқ ва лапарлари маҳорат билан ижро этилмоқда.

«Булбулигўё»нинг кекса санъаткорларидан бири Менгқобил бобо Исмоилов 82 ёшдан ошган бўлса-да, ҳамон юрагида ўти бор, завқи баланд санъаткорлардан. У республика микёсида ўтказилаётган кўплаб танлов ва фестивалларда иштирок этиб, оқори ўринларни эгаллаган. Отахон, шунингдек, ансамбл аъзоларидан Шоира Қурбонова ҳамда Абдухамид Янгибоев «Шухрат» медали билан тақдирланган. Сибизгачи Менгнор Поёнов, чанқовузчи Ойсоат Зокирова Тошкентда ўтказилган «Барҳаёт наволар» фестивалида фахрли ўринларни эгаллашди.

«Булбулигўё» ансамбли воҳага хос рақс мактабини яратган. Унга Шоира Қурбонова раҳбарлик қилмоқда. Маҳорат мактабининг умидли рақосаларидан Лобархон Жумаева миллий эстрада, фольклор, лирик ҳамда қардош халқлар рақсларини ўрганиб, турли

байрамларда қатнашмоқда. У кадрдон жамоаси билан 14 та мамлакатда ўзбек рақсларини намойиш этди.

Хайрулло Тўрақулов, Наби Баҳромов, Ҳалима Қурбонова, Нигора Турсунова сингари фидойиларнинг изланишлари боис ансамбл катта ютуқларга эришмоқда. «Булбулигўё» санъаткорлари Россиянинг кўплаб шаҳарларида концерт берди. Туркиядаги халқаро кўшиқ фестивалида, Душанбе ва Ашхобод шаҳрида ўтказилган фестивалларда миллий санъатимизни намойиш этди.

Воҳа санъатини ривожлантириш борасида «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиб Раҳматулла Мўминовнинг хизматлари беқиёс. У «Булбулигўё» наволари» номили куй ва кўшиқлар тўпламини ҳам яратди. Китобда воҳа аҳли куйлаб келган кўшиқ ва



«Булбулигўё»си

лапарлардан намуналар берилган.

— Раҳматулла аканинг «Булбулигўё наволари» китобидан мусиқа шинавандалари катта маънавий озуқа олиши шубҳасиз, — дейди Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. — Халқ кўшиқларида эл-юртимизнинг орзу-армонлари, қувончу ташвишлари акс этган. Шу боис уларни эшитган кишининг кўнгли жиз этади. Ўйноқи оҳангдан қалб завқ-шавққа тўлади.

«Булбулигўё» қайси давлатга бормасин, созандаларининг либослари барчани хайратда қолдиради. Эркаларнинг желаги, муллоёқа куйлаги, салла, белқарс, ко-

вуш-маҳсиси, аёлларнинг каштали кўйлақлари, сирғая нозигардонлари, томоҳай каби тақинчоқлари, рақосаларнинг мунчоқли пўпаклари ҳамда муккиси воҳа маданияти ва маънавиятининг қадимийлиги ва ўзига хослигини акс эттиради. Албатта, бу дизайнер ва чевар Иклим Тошбекованинг меҳнати самарасидир. У яратган, Сурхон заминига хос миллий либослар кўплаб фестивалларда биринчи ўринни олди. Шу билан бирга, воҳанинг маданий тарихини ўрганишга хорижликларда ҳавас уйғотди.

Парвозинг янада баланд бўлсин, Сурхоннинг «Булбулигўё»си!

Д.РУСТАМОВ

Ўзбекона безатилган уй. Тўрдаги деворга Хива гилами қоқилган. Гиламга сочини рўмоли устига чамбарак қилиб ўраган, атлас кўйлак ва қора костюм кийган, кўкимтирга мойил кўзлари ўйчан боқиб турган аёлнинг хиёлгина жилмайиб турган сурати илинган. Уйнинг бирдан-бир жиҳози бўлган сервантда ҳар хил чинни идишлар. Кўчқоршоҳ нусхада, кизил-қора ранглар уйғунлигида тўқилган патгиламнинг бир қисми кўрпача четидан кўриниб турибди. Бахмал кўрпачалар устига товус нусхали парку ёстиқлар тахланган. Дастурхонга икки идишда мураббо, ликобчаларда майиз, ёнғок, турли ширинликлар қўйилган.

Дастурхон атрофида икки эркак ва икки аёл. Аёлларнинг бири, бу уйга хола бўлгучиси дастурхон попуғини ўйнаган кўйи кўзларини ерга тиккан. Иккинчи аёл, амма эса тўрда ўтирган бавсавлат, қора қошли кишининг оғзига термулади. Ора-орада меҳмонларга чой қуйиб узатади. Тўрдаги акадан бошқа ҳеч ким қўлига пиёла ушламайди, дастурхонга қўл узатмайди. Эндигина ишдан қайтган, меҳмонларнинг кун оққандаги қутилмаган ташрифидан кўнгли ниманидир пайқаган Мурод сукунатдан сабрсизланади, мезбонлик ўрнини билиб, катталардан ўтиб гап бошлашдан ўзини базўр тияди. Оғир сукунатни эшикнинг очилиши бузди. Ҳамма бирдан остонада турган кизил кўйлақчали қизалоққа қаради.

— Аммажон, аммажон, Ҳаппига қаранг, сочимни торта-япти, — қиз аммасининг пинжигига тикилади.

— Амманг айлансин, қизим, ўзим ҳозир Ҳаппининг қулоғини тортиб қўяман, бор, боравер. Худойим-а, шу гўдақкинани етим қилмасанима эди-я, — қизнинг юзидан ўпиб, кўйлақчасининг чангини қоқиб-қоқиб деди амма. У бирпас эрқаланиб аммасининг пинжидан ўтирди. Аёл дастурхондан иккита ёнғок олиб тутди. Қизча бошини сарак-сарак қилиб кўчага чиқиб кетди.

— Унақа деманг, опа, мен борман-ку, сиз борсиз, — деди белбоғини ўйнаб ўтирган Мурод қизининг орқасидан қараб.

— Мен билан сен она бўлармидик, онанинг ўрни бўлак-да.

Бугунги йиғиннинг асл мақсадини англаган қисқарган суҳбат узилди. Аёл рўпарасида ўтирган эркакка им қоқди. Эркак кўзи билан уйнинг шифтини «айланиб» чиқди. Кўзи деворга илинган суратга тушди. Қўл этиб ютиниб қўйди. Бу ютинишда жувонга ачиниш билан бирга, унга нисбатан адолатсизлик қилаётгандек хижолат мавжуд эди. Бироқ бугунги масалани ойдинлаштириш унинг зиммасидалигини ҳис

қиларди.

— Рост, бугун ўзи шуни маслаҳатлашайлик девдик, — деди томоғини қириб. — Ёлғизлик қийин, ука, мана келинни ерга берганимизга ҳам тўрт йил бўлди. Энди уйланишни, болаларга она олиб келишни ўйлаш керак. Орага яна сукунат чўқди. Икки аёл бошини эгган. Бирининг елкалари силкинади. Иккинчиси зимдан укасининг оғзига термулади. Мурод кўлидаги белбоғи билан мураббога кўнган чивинни ҳайдаган бўлди. Ҳамсуҳбатларига бир-бир қараб қўйди.

— Яна шу гапми? Ўтган сафар ҳам опамга айтганман уйланмайман деб, — Мурод кўз қири билан дастурхон попуғини ўйнаб ўтирган қайно-

лаларни ҳам қийнамагин.

Йиғилганлар бошини эгиб ўтирган Муроднинг оғзини пойлашди. Хонадаги сукунатни қайнопанинг пик-пик йиғиси бузарди. Муроднинг кўра, бирсўзлиги билан опа ҳам нафасини ичига ютган. Ака оғир-оғир нафас олади.

Муроднинг кўнглида эса галаён. Қайси йўлни танласа тўғри бўлади, фарзандларининг кўнгли ўқсимайди? Уйланса, худо шум етим қилган болаларининг дили оғримасмикан? Хотинининг руҳи чирқилламасмикан? Ўғайнинг оши заҳар бўлмасмикан? Кейин фарзандлари ҳали бир-бирдан ёш. Олди эндигина ўқишни битирди. Кичиги бешга кирди. Уларни ўқитиш, уйли-жойли қилиш керак. Онаси фарзандларининг энг яхши жойларда ўқишларини жуда истарди. Катталарининг кўлидан иш келиб қолган. Опам билмаганларини ўргатиб,

ўйнаб юрибди. Болалар эса мол кутиш баҳонасида футболни қизитиб юборган. Хўрсиниб қўйди. Уйинқароқ, кўнгли тўқ болаларни бироз кузатиб турди. Орта ўғирлиб, ҳовлисига қаради. Унинг фарзандлари эрта улғайишган, рўзгор ишлари билан банд.

Моллар подадан қайтди. Мурод уларни боғлаш баҳонасида молхонага кирди. Боядан бери димоғини ачи-тиб турган кўзёшлари юзига томди. Хотинининг хира торган кўзлари кўрингандек бўлди. У охири фарзандини туққандан кейин ўнгланиши жуда қийин бўлганди. Бир йилдан ортиқ тўшақда ётди. Пешонаси, кўзининг атрофига бир-икки ажин тушган, юзи пахтадек оппоқ, кўзлари нурсиз. Аввал-аввал деворга суяниб юрарди, охири пайтлар шунга ҳам ярамай қолди. Қўлларига суяниб бирон соат ўтиради. Тез-тез хўрсиниб қўяди.

— Отаси, ўнта бола туғсаму, биттасиям менга ўхшамасди-я, — дея кўз қири билан қўғирчоқ ўйнаб ўтирган қизалоғини кўрсатди. — Катталарининг бари сизга, бу аммасига ўхшайди.

— Ҳечқиси йўқ, худо хоҳласа эндигиси ўзингга ўхшайди.

— Кўйсангиз-чи, энди неваралар ўхшасин. Бир ҳисобдан болаларнинг сизга ўхшагани маъқул. Мендан кейин уйланишингиз осон бўлади.

— Бу нима деганинг, ҳар гапни гапираверма, — Мурод хотинининг оппоқ, узун-узун бармоқларини кафтининг орасига олди.

— Рост-да, агар биронтаси менга ўхшаб турса, худди ёнингизда мен тургандек ҳақдингиз сизгамайди-да. Худо билиб шундай қилган. Ёшсиз...

— Нималар деяпсан, аҳмоқ. Ҳали кўрмагандек бўлиб кетасан.

— Дардни-ку кўрмагандек бўларман, лекин сизни доимо кўриб тураман. Осмондан бўлса ҳам, лекин ёнингизда кимнидир кўрсам, юлдуздек сўнсам керак... — аёлнинг синиқина жилмайишида соғинч, қизганиш, умидсизлик қоришиқ бир тушунарсиз туйғу акс этарди.

Шўрлик умри тугаганини, ундан кейин бугунгидек гаплар бўлишини билган экан-да. Мурод пешонасини эшик кесақисига суяб, баралла йиғлаб юборди. «Йўқ, юлдузимни сўндиролмайман». Шу кўйи бир муддат туриб қолди. Қип-қизил кўйлақчасини ҳилпиратиб, кўлидаги кичкина супургичаси билан опаларига ёрдам бераётган қизалоқ отасининг овозини эшитди. Лекин унинг мурғак онги бу хўрсиниқ кўнглининг тубидан чиқаётган нола эканлигини англолмади.

— Ота, бошингизни уриб олдингизми, қаттиқ тегмадим, қонамадимми? — деди бижирлаб. Кўзчаларини мўлтиратиб қараб турган қизалоғини кўриб, Муроднинг яна хўрлиги келди.

— Қонамади, қизим, — деди бўғиқ овозда.

— Эҳтиёт бўлиш керак-да. — Эҳтиёт бўламан, қизим, эҳтиёт бўламан.

Дилфуза АБДУЛЛАЕВА



Опма

бош бўлиб турибди... Балки опамга болаларнинг ташвиши оғирлик қилаётгандир? Шунинг учун уйлан деб қистаётган бўлмасин тагин. Ундай деса қайнопаси ҳам уйланишини истаяпти-ку. Лекин ўзига қолса болаларини бировнинг қўлига қаратишни истамайди. Жерки силташига чидамайди. Ўғайнинг нони қаттиқ бўлади. Катта фарзандлари қабул қилмаслиги ҳам мумкин. Қолаверса, уларнинг кўзига қараш ҳам азоб бўлади.

— Гапир, ҳаммамиз сенинг оғзингга қараяпмиз, — деди ака. — Мана, опанг бир бевани мўлжаллаб турибди. Рози бўлсанг, эшигига борардик. — Керак эмас, болаларимга ўзим қарайман. Шунча вақтдан буён удалаяпман-ку? — гарчи норози бўлса-да, Муроднинг овозида иккиланиш сезилиб турарди.

— Ўзингга-чи, иссиқ-совуғингга ким қарайди? — овозини бироз кўтарди ака.

— Менга нима бўпти, ҳеч кимнинг кераги йўқ. Хуш келибсизлар, пода қайтар вақт бўлди, қиладиган ишим бор.

Мурод ўрнидан туриб эшикка отилди. Гўё ҳозир эшикни ёпади-ю, бу маслаҳат ортада қолади. Айвонга чиқиб бир муддат туриб қолди. Катта қизи ошхонада куймаланиб юрибди. Иккинчиси бир кўлида косов ушлаган, тандирга ўт ёқаяпти чоғи, бир кўли билан челақда сув кўтариб ўчоқ томонга кетаяпти. Икки кичкина ҳовлининг ўзларига тегишли жойини супуриш билан андармон. Ўғиллари эса томорқага қараяпти. Ҳовлида бекор боланинг ўзи йўқ. Молхона кўчанинг нариги томонида.

Ташқари чиқди. Кўчада қизлари тенги қизлар маҳмак

Ибратли ҳикоятлар

Қарз ва фарз

Ўшанда 9-10 ёшлардаги бола эдим. Бир куни уйимизга хабарчи келиб, олис шаҳарда яшовчи холамнинг касали оғирлашиб қолганини айтди. Буни эшитиб, онамнинг (охирати обод бўлсин!) ҳаловати бузилди. Йўлга ошиқа бошлади. Ҳайтовур, отам бирон маслаҳат берди шекилли, иккови мени ёнига чақириб: «Болам, энди анча катта бўлиб қолдинг. Бизлар бир отанг билан холангдан хабар олмасак бўлмайди. Ҳовлида ҳамма нарса очиқ-сочиқ. Эплаб қараб тура оласанми?» — дейишди. Улғайганимни биринчи бора сезаётгандек, гавдамни тик кўтардим: «Бўпти, қоламан. Ҳаммасига ўзим қарайман». Ҳовли ишларига овуниб юргандим, ён кўшнимиз Саидбуви хола ўртадевордан бошини чиқариб, мени тушликка чақирди. Уларникига боришда кўлимга чорпоя устидаги оқ балдоқли катта чойнакни ҳам олволдим. Иссиқ маставани ичиб олганимдан кейин кўшни аёл кўлимга нон тутқазди. Нонни кўлтиққа уриб, ҳалиги бўш чойнакни босма кран ёнидаги челақдан сувга тўлдириб олдим.

Оиламиз қайтгач, эртаси куни онам нон ёпди. Қарзга нон олганимни эшитиб, бир нон устига кулча қуйиб, бериб келиш учун мени ҳамсоиякига жўнатди. Тандир ёнида куймаланиб қолган онамдан узоқлашгач, миямга бир фикр келди: «Кўшнидан сув ҳам олгандим-ку». Шу ўйда ҳалиги чойнакни сувга тўлдириб олдим.

Ўшанда сув ўрнига сув кўтариб келганимни кўрган ҳамсоиялар қотиб-қотиб устимдан кулишди. «Ахир бу сув бўлса, тугагач, бундоқ кранни босиб, истаганча чиқариб олаверамиз-да», — дейишди. Шундан кейин иккиланиб, бир муддат тек туриб қолдим. Лекин барибир ўз билганимдан қолмай, кўлимдаги сувни бўш челақка бўшатиб қайтдим.

Мансур ЗОИР

Сўраган эдингиз

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИШЛОВЧИ АЁЛЛАРГА ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИШ БЎЙИЧА НАФАҚАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 23 февралда 2080-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 5 февралдаги 10-сон буйруғи билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомга кўра, бюджет ташкилотлари ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар тегишли молия органларига мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тўлашга бюджетдан талаб қилинадиган маблағларни аниқлашга буюртманомани тақдим қиладилар. Буюртманомани бюджет ташкилотлари томонидан:

туман (шаҳар) бюджетидан турувчилар — тегишли туман (шаҳар) молия бўлимига;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар бюджетидан ва Тошкент шаҳар бюджетидан турувчилар — тегишли Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан турувчилар — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг соҳаларни молиялаштирувчи тегишли бошқармаларига тақдим қилинади.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан турувчи бюджет ташкилотлари буюртманомаларни бюджет маблағларини бош тақсимловчи орқали тақдим қиладилар.

Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларни тўлашга харажатлар:

биринчи навбатда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлар таснифининг тегишли моддалари бўйича иш ҳақига кўзда тутилган, бўша қолган бюджет маблағлари (бюджет ташкилотлари ходимларининг ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқиши муносабати билан) ҳисобидан амалга оширилади. Бунда, истисно тариқасида, тегишли молия органлари тегишли Фазначилик бўлинмалари билан келишган ҳолда керакли ҳисоб-китоблар асосида мустақил равишда Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари харажатлар сметасига иш ҳақи харажатлари бўйича маблағларни камайтириш ва тегишлича ушбу бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа харажатлари учун маблағларни кўпайтириш йўли билан аниқлик киритишни амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар;

иш ҳақи харажатлари бўйича бўшаб қолган бюджет маблағлари мавжуд бўлмаган ёки бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тўлиқ таъминлаш учун етарли бўлмаган ҳолларда, бюджет маблағлари кўшимча равишда мазкур Низомда белгиланган тартибда бюджетдан ажратилади.

ПЕНСИЯЛАР, ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР, КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ ВА БОШҚА ТЎЛОВЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

Вазирлар Мақкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида НИЗОМ» (Жамғарма идоравий жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қарашли ҳамда ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Молия вазирига, Жамғарманнинг Кузатув кенгаши раисига ҳисоб беради.)га кўра, жамғарма маблағлари:

а) ишламайдиган фуқароларга:

давлат пенсияларининг барча турлари;

дафн маросими учун нафақалар;

давлат пенсия таъминотида ҳуқуқи бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тўлаш учун;

б) ишлайдиган фуқароларга:

давлат пенсияларининг барча турлари;

дафн маросими учун нафақалар;

16 ёшгача бўлган ногирон боланинг ота-оналаридан бирига (васийга, ҳомийга) бир ойда кўшимча дам олиш куни учун тўловлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар учун сарфланади.

Ишламайдиган ва ишлайдиган фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни молиялаштириш учун Жамғарманнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Фазначиликнинг бўлинмаларида ҳисоб рақамлари очилади.

Жамғарманнинг ҳудудий бошқармалари тўлов тўланадиган ҳар бир ойнинг 15-кунигача ишламайдиган ва ишлайдиган фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар тўлаш учун маблағларга бўлган эҳтиёж ҳажмини белгилайди ҳамда Жамғарманнинг ижро этувчи аппарати буюртманомани тақдим этади.

Жамғарманнинг ижро этувчи аппарати Жамғарма харажатларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда:

жорий тўлов ойининг 15-кунигача — ўтган ойнинг эҳтиёжи ҳисоб-китобидан келиб чиқиб 50 фоиз миқдоридан суммани;

жорий тўлов ойининг 27-кунигача — амалдаги эҳтиёжнинг тақдим этилган миқдоридан қолган суммани молиялаштиради.

Жамғарманнинг туман (шаҳар) бўлимлари пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловлар учун маблағларни алоқа ташкилотлари ва банкларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиши.

Жамғарманнинг туман (шаҳар) бўлимлари ташкилотларнинг буюртманомалари бўйича ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар, дафн маросими учун нафақалар, 16 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг ота-оналаридан бирига кўшимча дам олиш кунлари учун ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловларни тўлашга маблағларни молиялаштиради.

Жамғарманнинг ҳисоб рақамларидан маблағларни қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган мақсадларда ўтказиш ва вақтинча олиб қўйиш тақиқланади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Солиқ ва биз

Дунёда шундай «ишлаб чиқариш»лар борки, улар ҳар қандай давлатнинг иқтисодини издан чиқариши мумкин. Яширин цехлар давлат рўйхатидан ўтмай фаолият кўрсатади ва ҳеч қандай солиқ тўламайди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатига ҳам ҳеч қим қолмай бермайди. Уларнинг зарари бу билан чекланиб қолмасдан, қонуний фаолият кўрсатаётган корхоналар ривожига ҳам салбий таъсир қилади.

Иқтисодиёт кушандаси

Ўзбекистон Бош прокуратура-си ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг асосий вазифаларидан бири ҳам айнан шундай иқтисодиётга қарши курашишдан иборат. Хусусан, департаментнинг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан бу турдаги жиноятларни аниқлаш ва қонуний жазо чораларини кўриш юзасидан кўплаб тадбирлар амалга ошириляпти. Ўтган йил мисолида айтилган бўлса, 47 та яширин цех фож этилган. 90 млн. 706 минг сўмлик маҳсулот далилий ашё сифатида олиб қўйилган.

Жумладан, департаментнинг Юқоричирчиқ туман бўлими ўтказган тадбирда Болта қишлоғида яшовчи М.Ҳакимов ва Ф.Ҳакимовлар «Савлат» фермер хўжалиги ҳудудида яширин цех ташкил қилиб, шлакоблок ишлаб чиқариб келганлиги маълум бўлган.

Олмалиқ шаҳар бўлими томонидан ўтказилган тадбирда эса курилишда ишлатиладиган гипс ишлаб чиқариб келган фуқаролар Х.Бобоқулов ҳамда З.Маҳмудовларнинг фаолиятига яқун ясалди. Улар Олмалиқ шаҳар Миришкор кўчаси 29-уйда яширин цех ташкил қилишган. Ҳар икки ҳолат бўйича жиноят иши кўзгатилади.

Н.МУСАЕВА,
Ж.ХУЖАЁРОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти Тошкент вилоят бошқармаси бўлим суриштирувчилари

Касаба уюшма назорати

Ноқонуний буйруқ бекор қилинди

Жиззах вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўқув-методик ишлар бўйича проректор вазифасида ишлаб келаётган Урол Маҳмудов вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгашига мурожаат этиб, ректор Р.Абдурасулов битта хатоси учун кетма-кет интизомий жазо берганини маълум қилади. Аниқланишича, у институт илмий кенгаши котиби Ш.Абдурашидовнинг раҳбарга киритган билдиришномасига кўра 2009 йил 31 март куни 50-буйруқ асосида хайфсан билан «сийланган». Ректор орадан уч кун ўтгач, яна У.Маҳмудовнинг розилигисиз уни кафедра мудириликка тайинлаш ҳақида 66-к-сонли буйруққа имзо чекади. Бу гайриқонуний буйруқ аралашувимиздан сўнг бекор қилиниб, У.Маҳмудов аввалги вазифасига тикланди.

Аҳмад Эргашев Арнасой туманидаги 6-мактабда директор вазифасида ишлаб келган. Туман ХТБ мудири Х.Бердиев уни тўсатдан хонасига чаққириб, вазифасидан

дан озод этганини билдиради. Аслида мактаб раҳбарлигига тайинлаш, вазифасидан озод этиш вилоят ХТБ ваколатига киради. Аралашувимиздан сўнг ноқонуний буйруқ бекор қилиниб, ҳодим ўз вазифасида ишлаб бошлади.

Жойлардан келаётган ариза ва шикоятларнинг аксарияти ишдан ноқонуний бўшатиш ҳақида бўлиб, аралашувимиздан сўнг масала ҳал этилаётгани қувонарли. Жиззах транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи ўқитувчиси С.Эргашев, Жиззах шаҳар ХТБга қарашли 14-мактабгача таълим муассасаси раҳбари М.Ҳакимовлар ҳам ўз ишларига тикланишди.

Жиззах туман ижтимоий-иқтисодиёт ва банк коллежи ўқитувчиси С.Саматова ариза билан мурожаат қилиб, ўзининг қонуний ҳуқуқи иш берувчи томонидан камситилаётганини баён этади. Ариза ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал этилди.

Арнасой туман ХТБга қарашли 16-мактаб директори Н.Алибекова туғиш таътилидан қайтгач, ўз ишига қўйилмади. Касаба уюшмаси аралашгач, масала қонуний ечимини топди. Фориш туманидаги 24-мактаб ўқитувчиси М.Майрамовнинг мурожаати ўрганилгач, касаллик варақасига ҳақ тўланадиган бўлди.

Таъкидлаш жоизки, айрим иш берувчилар меҳнат қонунчилигини чуқур билишмайди. Бундай қонунбузилиш ҳолатларига жойлардаги бошланғич касаба уюшмалари ҳам жиддий муносабатда бўлишлари лозим. Вилоятимиздаги шаҳар ва туманларда меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси мавзуларида семинар ҳамда ўқувни қатъий режа асосида ташкил этганмиз. Буларнинг барчаси самара бериши шубҳасиз.

Малика ЗОКИРОВА,
Жиззах вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши хуқуқшуноси

Адлия идораларида

Вазирлар Мақкамасининг 2003 йил 27 августдаги қарорига мувофиқ ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш адлия тизими зиммасига юклатилган. Шу боис адлия идоралари тарғибот ишларининг самарасини оширишга ҳаракат қилишмоқда. Бу борада ОАВ имкониятидан кенг фойдаланиляпти.

Ҳуқуқий тарғибот

Фарғона вилоят адлия бошқармаси ходимлари 2009 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида 545 марта оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилишди. Бошқармамиз вилоятда чоп этилаётган 80 та даврий нашр, 6 та телевидение, 2 та радио билан мустаҳкам алоқага эга. Шу ўринда бошқармамиз муассислигида 2008 йил ноябрдан бошлаб «Ҳаёт ва ҳуқуқ» газетаси нашр қилинаётганини таъкидлаш лозим.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг «Янги Фарғона», «Бешариқ тонги», «Давр овози», «Водил ёғдуси» сингари газеталари ҳуқуқий тарғибот борасидаги ҳамкорларимиздир. Уларда «Ҳуқуқий маслаҳат», «Саволларга жавоблар» каби рунклар очилган бўлиб, доимий равишда ҳуқуқшуносларнинг мақолалари бериб борилмоқда.

Ҳуқуқий тарғиботда телекўрсатувлардан унумли фойдаланилаётир. Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни бошқарма ва унинг тизимига кирувчи ФХД ҳамда нотариал идоралар ходимлари иштирокида «Ҳуқуқингизни биласизми?» кўрсатув эфирга узатилмоқда. Эътиборлиси шундаки, бу чиқишлар мобайнида адлия бошқармасига ўрнатилган «Ишонч телефони»га тушган саволларга ҳам жавоб берилмоқда. Бундан мақсад фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш орқали жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга эришишдир.

Б.ФОЗИЛОВ,
Фарғона вилоят адлия бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

*Тиббиёт тизимида фаолият кўрсатаётган
барча ҳамширалар ҳамда тиббиёт
коллежларида таҳсил олаётган талабаларни
Халқаро ҳамширалар куни
билан муборакбод этади.*

*Эзу фаолиятинида сизларга куй-қувват,
сиҳат-саломатлик, бахту саодат,
хонадонларинида тинчлик ва файзу бафака
пилайди. Халқимиз бахтига ҳамиша омон
бўлинг! Кўлингиз дард кўрмасин,
азиз ҳамширалар!*

Хамшира —
меҳр тимсоли,
нажот фаришта-
си, эзгулик элчи-
си. Дунёда бирор
бойлик билан
ўлчаб, баҳолаб
бўлмайдиган олижаноб-
лик фазилати мужассам

унда. Биз уни қаҳратон қишда,
жазирама саратон палласи, ҳатто ярим тунда ҳаловатидан
кечиб кўмакка шошилаётган «Тез ёрдам» машинасида, оғир
ётган бемор бошида ажал билан «олишаётган»да, лаблари
иситма оташида қуриб бораётган хастага сув бераётганда,
касаллар томирида ҳаёт томчиларини улаётган ҳолатда жуда
кўп кўрамиз. Қалби оқ халатидек покиза бу фидойилар ўз
бурчига садоқат нашидаси ҳамдир.

Ҳар йили 12 май — Халқаро ҳамширалар куни сифатида
бутун дунёда, жумладан, республикамизда ҳам ўзгача кай-
фиятда кутиб олинади. Зеро, аҳоли соғлигини сақлаш,
касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тар-
ғиб қилиш, бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрса-
тишда ҳамширалар фаолияти катта аҳамиятга эга. Прези-
дентимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизими моддий-тех-
ника базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари учун му-
носиб меҳнат ва турмуш шароитлари яратиш, фидойи касб
эгалари меҳнатини рағбатлантириш, уларга эътиборни ку-
чайтириш борасида мунтазам равишда ғамхўрлик кўрсатиб
келинмоқда.

— Бугунги кунда тиббиёт тизимида беморларга ҳам жис-
монан, ҳам маънан шифо улашаётган минглаб жонкуяр ва
заҳматкаш ҳамширалар меҳнат қилиб келмоқда, — дейди
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раи-
си ўринбосари, Республика Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Озода Мухитди-
нова. — Ҳамиша соғ-омон бўлиб юришимизда ўз касбига
садоқатли, ширинсўз, билимдон ҳамшираларнинг хизмати
бекиёс. Ана шундай фидойи касб эгаларининг меҳнатини
қадрлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ман-
фаатларини ҳимоялаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, иш
ҳақи ва турли имтиёزلардан фойдаланишини назорат қилиш,
оиласига ғамхўрлик кўрсатиш борасида Соғлиқни сақлаш
вазирлиги билан ҳамкорликда кўплаб эзу ишлар амалга
оширилмоқда. Айниқса, малакали кадрлар тайёрлаш, тиб-
биёт коллежларида ўқиётган ўқувчиларни моддий ва маъ-
навий қўллаб-қувватлашга эътибор йилдан-йилга кучайиб
бормоқда. Унлаб кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оила-
ларнинг фарзанди бўлган иқтидорли талабалар касаба уюш-
масининг устама стипендияларидан баҳраманд бўлмоқда.

Тиббиёт соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш мақ-
садида юртимизда ўрта тиббиёт ходимларини бирлашти-
риш, уларнинг билим савияларини такомиллаштириш ва
замонавий ҳамширалар даражасига кўтариш мақсадида 2004
йилда Ўзбекистон ўрта тиббиёт ва доришunos ходимлар
ассоциацияси Ўзбекистон ҳамширалар ассоциациясига ай-
лантирилди. Утган даврда ассоциация турли нуфузли таш-
килотлар билан алоқа ўрнатиб, халқаро ҳамширалар кен-
гашига аъзо бўлди. Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги
JICA билан ҳамкорликда ҳамширалик ишида янги техноло-
гияларни жорий этиш, ўқитиш усулларини такомиллашти-
ришни кўзда тутиб, «Ҳамширалик ишида етакчилик», «Ҳам-
ширалик таълими», «Жамоада ҳамширанинг роли», «Ҳам-
шираларни ўқитишдаги янги талаблар» каби ўндан зиёд
мавзуларда ўқув-семинар ташкил қилинди. Кўплаб мута-
хассислар Япониянинг ҳамшира тайёрлаш клиникаларида
тажриба-кўникмаларини бойитиб қайтди. Исроил давлати-
да малака оширган Фарғона, Андижон, Наманган, Бухоро,
Навоий, Хоразм ва Тошкент вилоятининг ҚВПларида иш-
лайдиган ҳамшира ҳамда тиббиёт коллежи ўқитувчилари
олган кўникма ва билимларини амалиётда қўлламоқда.

ҚВПларда координатор ҳамшира лавозими жорий эти-
либ, улар болаларни жисмоний ва руҳий ривожлантириш
жараёнини кузатиш, шифокор ва ҳамширалар ўртасида ҳам-
корликни яхшилаш ҳамда аҳолининг тиббий маданиятини
ошириш билан шуғулланмоқда. Соғлиқни сақлаш тизими-
да меҳнат қилаётган ёш ҳамширалар ташаббусларини
қўллаб-қувватлаш, уларнинг тиббий саводхонлигини оши-
риш, билимларини чуқурлаштириш, тиббиёт тарихини чу-
қур ўрганишларида ҳар йили ўтказилаётган ҳамширалар
танлови муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу танлов орқали
иқтидорли, ҳар томонлама етук, билимдон ҳамширалар
кашф этилади, уларнинг касбий салоҳиятлари кенг намои-
ш қилинади. Айни кунларда «Ҳамшира — 2010» кўрик-
танловининг вилоят босқичи якунланиб, республика бос-
қичига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.



Душанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 12.50, 15.00, 22.40 «Иқлим».
7.05 ТВ - анонс.
7.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.50 «Тонгги наволар».
8.00 «Тахлилнома».
8.45 - 9.45 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.45 «Болалар дунёси».
10.15 «Бахт ўзи нима?» М/ф.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
11.15 «Менинг оилам».
11.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қандай гўзал бу дунё».
13.00 Миллий кино: «Пиёда».
14.20 «Ватанпарвар».
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Қушлар ҳаёти».
15.55 «Эл тинчлиги йўлида».
16.15 «Ватан манзиллари».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.15 «Мозий сирлари».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.10 «Имон».
18.55 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Камолот остонаси».
19.15 «Ифтихор».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.05 «Ватанимни куйлайман».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Бетховен вируси». Т/с.
22.45 «Ой ва ёмғир киссаси». Б/ф.
00.15 - 00.25 «Очун».

Сешанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 15.05, 22.35 «Иқлим».
7.05 ТВ - анонс.
7.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.50 «Тонгги наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
8.40 - 9.40 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.40 «Бизнинг кутубхона».
10.00 Сирдарё вилояти телерадиокмпанияси намойиш этади: «Истеъдодлар маскани».
10.20, 21.55 «Бетховен вируси». Т/с.
11.10, 18.05 «Имон».
11.50 «Ахборот». /инглиз/.

Душанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Анонс».
8.35 «Қизил қор ёқанда». Б/ф.
9.50 Мумтоз наволар.
10.00, 15.10 «Эсмeрaльда». Т/с
10.30 «Болаликка қайтиб».
10.50, 17.35 «Карвонсарой».
11.00 «Саргузаштлар ороли».
11.25 «Онтаро соҳилидаги воқеа».
Б/ф.
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55, 19.15, 7.05 «Уйларим».
15.00, 18.00, 20.00, 5.00 «Пойтахт».
15.45 «Япония турмуш тарзи». Х/ф.
16.25 «Хуқуқшунос маслаҳати».
16.30 «Дамбо». М/ф.
17.45 «Тошкентнинг илм масканлари».
18.25 «Севги тилсими». Т/с 18-қисм.
19.20, 6.35 «Сериал: «Чемпионлик орузи»».
20.20 «Бизнес»Пойтахт».
20.25, 22.05 «Телекурьер-маркет».
20.40 «Инсон матонати». Т/с 11-қисм.
21.10 «Кадр ортида».
21.30 «Пойтахт». /рус/.
21.55 «Будьте здоровы».
22.20 «Кино SMS со звездами».
22.25 «Иллюзия полета». Х/ф.
00.00 «Пойтахт». /рус/.
00.25 Кўрсатувлар тартиби.
00.30 «Ночной сеанс: «Просто вместе»». Х/ф.
2.00 «Болаликка қайтиб».
2.20 «Кадр ортида».
2.40 «Япония турмуш тарзи». Х/ф.
3.20 «Тошкентнинг илм масканлари».
3.30 Тунги киносеанс: «Онтаро соҳилидаги воқеа». Б/ф.
7.10-7.25 Тонгги наволар.

Сешанба

Хурматли телетомошабинлар!
Профилактика муносабати билан 18май куни «TOSHKENT» телеканали ўзининг кўрсатувлар дастурини соат 14.55 дан бошлади.
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00, 18.00, 20.00, 5.00 «Пойтахт».
15.10 «Эсмeрaльда». Т/с 105 - қисм.
15.40 «Тошкентнинг илм масканлари».
15.50 «Япония турмуш тарзи». Х/ф.
16.30 «Малика ва етти баҳодир».
17.00 «Карвонсарой».
17.10 Халқаро музейлар куни:

12.50 «Ифтихор».
12.55, 20.05 «Сериал: «Дил пайванди»».
«Болалар сайёраси»:
13.35 «Ака-ука Гримм эртақлари». М/с.
14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
15.10 «Олам ва одам» дастури: «Қушлар ҳаёти».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Дунё манзаралари».
16.25 «Худудлар ҳаёти».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.15 «Тарих кўзгуси».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
18.00 «Олтин мерос».
18.50 «Кун мавзуси».
19.00 «Навоийни англаш».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Мен ёшликман».
22.40 «Енаркуртнинг парвози». Б/ф.
00.10 - 00.20 «Очун».

Чоршанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 15.00, 22.35 «Иқлим».
7.05 ТВ - анонс.
7.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.50 «Тонгги наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
8.40 - 9.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Асалари бўлган экан». М/ф.
9.55 «Ягона оилада».
10.15, 22.00 «Бетховен вируси». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.10, 19.20 «ТВ - шифокор».
11.15, 18.10 «Сериал: «Имон»».
12.50 «Кун мавзуси».
13.00, 20.05 «Сериал: «Дил пайванди»».
«Болалар сайёраси»:
13.40 «Ака - ука Гримм эртақлари». М/с.
14.20 «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 «Эркин иқтисодиёт».
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Қушлар ҳаёти».
16.00 «Уйла, Изла, Топ!»
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.15 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».

»Дурдона».

17.30 «Химия».
17.40 «Менинг маҳаллам».
18.25 «Севги тилсими». Т/с 19 - қисм.
19.15, 7.05 «Уйларим».
19.20, 6.35 «Сериал: «Чемпионлик орузи»».
20.20 «Бизнес»Пойтахт».
20.25, 21.50 «Телекурьер-маркет».
20.40 «Инсон матонати». Т/с 12-қисм.
21.10 Халқаро музейлар куни: «Менинг шахрим».
21.30 «Пойтахт». /рус/.
22.05 «Репортаж». /рус/.
22.15 «Кино SMS со звездами».
22.20 «Поцелуй наудачу». Х/ф.
00.00 «Пойтахт». /рус/.
00.20 Кўрсатувлар тартиби.
00.25 «Экономическое ревю».
00.35 «Будьте здоровы».
00.45 «Ночной сеанс: «План на игру»». Х/ф.
2.40 «Япония турмуш тарзи». Х/ф.
3.20 Тунги киносеанс: «Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида қисса». Б/ф.
4.45 «Химия».
5.30 «Салом, Тошкент!»
7.10-7.25 Тонгги наволар.

Чоршанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»
8.35, 16.55 «Карвонсарой».
8.45 Мумтоз наволар.
8.55, 15.10 «Эсмeрaльда». Т/с
9.30, 15.00, 18.00, 20.00, 5.00 «Пойтахт».
9.40, 20.20 «Бизнес»Пойтахт».
9.45, 19.20, 6.35 «Сериал: «Чемпионлик орузи»».
10.15 «Химия».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Дом собаки». Т/с 6-қисм.
11.05 «Репортаж». /рус/.
11.15 «Хор жамоасининг концерти».
11.25 «Найранг». Б/ф.
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55, 19.15, 7.05 «Уйларим».
15.40 «Япония турмуш тарзи». Х/ф.
16.20 «Саломат бўлинг!»
16.40 «Хуқуқшунос маслаҳати».
16.45 «Алломиш». М/ф.
17.10 «Премьера».
17.25 «Ислохот одимлари».
17.40 Нима учун гуруҳи тақдим этади: «Шунақа гаплар».
18.25 «Севги тилсими». Т/с 20 - қисм. /Яқунловчи/.
20.30, 22.00 «Телекурьер-маркет».
20.45 «Инсон матонати». Т/с 13-қисм.
21.15 «Эко-»Пойтахт».
21.30 «Пойтахт». /рус/.
21.50 «Интервью». /рус/.

O'zbekiston

18.00 «Олтин мерос».
18.55 «Ўзингни асра».
19.15 «Ифтихор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 «Парламент вақти».
22.45 «Муҳаббат ҳақида фильм». Б/ф.
00.20 - 00.30 «Очун».

Пайшанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 15.00, 22.45 «Иқлим».
7.05 ТВ - анонс.
7.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.50 «Тонгги наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
8.40 - 9.40 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.40 «Цирк, цирк, цирк».
10.00 «Кўзичоқнинг шоҳи чикди». М/ф.
10.10, 22.05 «Бетховен вируси». Т/с.
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55, 18.55 «ТВ - шифокор».
11.10, 17.55 «Сериал: «Имон»».
11.50 «Ахборот». /инглиз/.
12.50 «Ифтихор».
12.55, 20.05 «Сериал: «Дил пайванди»».
«Болалар сайёраси»:
13.35 «Ака-ука Гримм эртақлари». М/с.
14.20 «Дунё манзаралари».
14.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Қушлар ҳаёти».
15.55 «Тезкор хабарлар».
16.05 «Маҳалла».
16.25 «Мен ёшликман».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.15 «Юрт меҳри».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.50 «Олтин мерос».
18.40 «Кун мавзуси».
19.00 «Радиога ташриф».
19.15 «Бизнес ва мен».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 «Хонадон».
22.50 «Очқўзлик балоси». Б/ф.
00.10 - 00.20 «Очун».

Жума

5.55 Кўрсатувлар дастури.

TOSHKENT

22.15 «Кино SMS со звездами».
22.20 «Дневники няни». Х/ф.
00.00 «Пойтахт». /рус/.
00.20 Кўрсатувлар тартиби.
00.30 «Репортаж». /рус/.
00.40 «Ночной сеанс: «Я остаюсь»». Х/ф.
2.35 «Япония турмуш тарзи». Х/ф.
3.15 «Саломат бўлинг!»
3.30 Тунги киносеанс: «Найранг». Б/ф.
7.10-7.25 Тонгги наволар.

Пайшанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Анонс».
8.35, 16.45 «Карвонсарой».
8.45 Мумтоз наволар.
8.55, 15.10 «Эсмeрaльда». Т/с
9.30, 15.00, 18.00, 20.00, 5.00 «Пойтахт».
9.40, 20.20 «Бизнес»Пойтахт».
9.45, 19.30, 6.35 «Сериал: «Чемпионлик орузи»».
10.15 «Репортаж».
10.25 Жаҳон мусиқаси дурдоналари. Ф. Мендельсон.
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.45 «Дом собаки». Т/с 8-қисм.
11.15 «Кинотакдим».
11.40 «Ўпқон». Б/ф 2-қисм.
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55, 19.25, 7.05 «Уйларим».
15.40 «Таянч нуқтаси».
16.15 «Бизнинг футбол».
16.35 «Алломиш». М/ф.
16.55 «Нима учун?»
17.35 Баркамол авлод йили: «Эртамиз эгалари».
17.50 «Саломат бўлинг!»
18.20 «Ёз ифори». Т/с 2-қисм.
20.30, 21.50 «Телекурьер-маркет».
20.45 «Инсон матонати». Т/с 15-қисм.
21.10 «Маърифат фидойилари».
21.30 «Пойтахт». /рус/.
22.05 «Кино SMS со звездами».
22.10 «Пришельцы 2». Х/ф.
00.00 «Пойтахт». /рус/.
00.20 Кўрсатувлар тартиби.
00.30 «Открытая дверь».
1.00 «Ночной сеанс: «Дом из песка и тумана»». Х/ф.
3.10 «Маърифат фидойилари».
3.25 «Интервью».
3.50 Тунги киносеанс: «Ўпқон». Б/ф 2-қисм.
7.10-7.25 Тонгги наволар.

Жума

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Анонс».
8.35, 16.45 «Карвонсарой».
8.45 Мумтоз наволар.
8.55, 15.10 «Эсмeрaльда». Т/с
9.30, 15.00, 18.00, 20.00, 5.00 «Пойтахт».
9.40, 20.20 «Бизнес»Пойтахт».
9.45, 19.30, 6.35 «Сериал: «Чемпионлик орузи»».
10.15 «Репортаж».
10.25 Жаҳон мусиқаси дурдоналари. Ф. Мендельсон.
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.45 «Дом собаки». Т/с 8-қисм.
11.15 «Кинотакдим».
11.40 «Ўпқон». Б/ф 2-қисм.
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55, 19.25, 7.05 «Уйларим».
15.40 «Таянч нуқтаси».
16.15 «Бизнинг футбол».
16.35 «Алломиш». М/ф.
16.55 «Нима учун?»
17.35 Баркамол авлод йили: «Эртамиз эгалари».
17.50 «Саломат бўлинг!»
18.20 «Ёз ифори». Т/с 2-қисм.
20.30, 21.50 «Телекурьер-маркет».
20.45 «Инсон матонати». Т/с 15-қисм.
21.10 «Маърифат фидойилари».
21.30 «Пойтахт». /рус/.
22.05 «Кино SMS со звездами».
22.10 «Пришельцы 2». Х/ф.
00.00 «Пойтахт». /рус/.
00.20 Кўрсатувлар тартиби.
00.30 «Открытая дверь».
1.00 «Ночной сеанс: «Дом из песка и тумана»». Х/ф.
3.10 «Маърифат фидойилари».
3.25 «Интервью».
3.50 Тунги киносеанс: «Ўпқон». Б/ф 2-қисм.
7.10-7.25 Тонгги наволар.

Шанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Анонс».
8.35, 16.55 «Карвонсарой».
8.45 Мумтоз наволар.
8.55, 15.10 «Эсмeрaльда». Т/с
9.30, 20.00, 5.00 «Пойтахт».
9.45 «Бизнес»Пойтахт».
9.50, 19.30 «Сериал: «Чемпионлик орузи»».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.45 «Дом собаки». Т/с 9-қисм.
11.10 «Все о туризме «Асрлар садоси». 3-ий Фестиваль традиционной культуры».
12.10 «Афиша». /рус/.
12.25 «Қонун доирасида».
12.40 «Саломат бўлинг!»
14.00, 18.15 «Уйларим».
14.05 «Дунё» теледастури.

11.20 «Бетховен вируси». Т/с.
13.05 «Ифтихор».
13.10, 20.05 «Сериал: «Дил пайванди»».
13.50 «Очун».
14.20 «Одил суд».
15.10 «Капалак». Б/ф.
«Болалар сайёраси»:
16.30 «Уйла, Изла, Топ!»
17.10 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.30 «Қорақалпоқ оҳанглари».
18.25 «Аския».
18.30 «Саломатлик сирлари».
18.50 «Бахшиёна».
18.55 «Анана».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.45 «Баҳор кўшиқлари».
21.40 «КиноТеатр».
22.05 «Кўрқув ва титроқ». Б/ф.
23.45 - 23.55 «Очун».

Якшанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 ТВ - анонс.
7.10 Миллий кино: «Тангалик болалар» 2-қисм.
7.50 «Тонгги наволар».
8.00 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Оқ бўталоқ». М/ф.
9.05 «Табассум».
9.35 «Сериал: «Имон»».
10.20 «Саломатлик сирлари».
10.40 «Хунар».
11.00 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Миниюрта - ранг тасвири».
11.55 «Иқлим».
13.00 «Бахшиёна».
13.05 «Анана».
13.35 «Сент - Пьерлик бева». Б/ф.
15.20 «Заковат».
16.20 «Кунларнинг бирида»
«Болалар сайёраси»:
16.30 «Болалар дунёси».
17.00 Миллий кино: «Гўзаллик сири».
18.25 «Аския».
18.30 «Кўнгила йўл».
19.00 «Рангин дунё».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома». /рус/.
20.10 «Сериал: «Денгиздан томчи»».
20.40 «Кўнгила кўшиқ истаиди».
21.00 «Тахлилнома».
21.45 «Азизим».
22.15 «Бахт ва омад излаб». Б/ф.
00.25 - 00.35 «Очун».

15.35 «Хуқуқшунос маслаҳати».
15.40 «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртақ». Б/ф.
17.05 «Мулоҳаза учун мавзу».
17.35 «Афиша».
17.50 «Санъатимиз ҳазинасидан».
18.20 «Ёз ифори». Т/с 3- қисм.
19.20 «Интервью».
20.20, 21.50 «Телекурьер-маркет».
20.35 «Таянч нуқтаси».
21.05 «Истеъдод».
21.30 «Пойтахт». /рус/.
22.05 «Кино SMS со звездами».
22.10 «Мамма миа». Х/ф.
00.00 «Пойтахт». /рус/.
00.20 Кўрсатувлар тартиби.
00.25 «Эко-»Пойтахт». /рус/.
00.40 «Ночной сеанс: «Открытый простор»». Б/ф.
2.55 «Мулоҳаза учун мавзу».
3.25 Тунги киносеанс: «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртақ». Б/ф.
4.40 «Истеъдод».
7.10-7.25 Тонгги наволар.

Якшанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Анонс».
8.35, 15.50 «Карвонсарой».
8.45 Мумтоз наволар.
8.55 «Эсмeрaльда». Т/с 109-қисм.
9.30 «Пойтахт».
9.40, 6.35 «Сериал: «Чемпионлик орузи»».
10.10 «Саргузаштлар ороли».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Эко-»Пойтахт». /рус/.
10.55 «Истеъдод».
11.10 «Кинотакдим».
11.35 «Уйга йўл». Б/ф.
14.00 «Болаликка қайтиб».
14.20 «Ака-ука совчилар». Муқимий номидаги мусиқий драма театрининг спектакли.
16.00 «Кичкина малика». Б/ф.
17.30 «Интервью».
17.40, 21.20 «Телекурьер-маркет».
17.55 «Фаровонлик бекати».
18.10 «Ўнта негр боласи». Б/ф.
20.15 «Менинг шахрим».
20.40 «Нима учун?»
21.40 «Тошкент оқшомлари».
22.10 «Все о туризме».
22.40 «Кино SMS со звездами»:
«Город ангелов». «Давайте потанцуем». «На самом дне океана».
00.20 Кўрсатувлар тартиби.
00.25 «Эко-»Пойтахт». /рус/.
00.35 «Ночной сеанс: «Гол-2»». Б/ф.
2.25 «Тошкент оқшомлари».
2.55 «Кинотакдим».
3.20 «Болаликка қайтиб».
3.40 Тунги киносеанс: «Уйга йўл». Б/ф.
5.00 «Афиша».
5.15 «Эко-»Пойтахт».
.05 «Уйларим».
7.10-7.25 Тонгги наволар.

Душанба

6.30, 14.00, 1.00 «Салом, ёшлар!»
7.10, 13.10, 16.10 «Даврнинг бола-
си».

Сешанба

6.30, 14.00, 1.00 «Салом, ёшлар!»
7.10, 13.10, 16.10 «Даврнинг бола-
си».

Душанба

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан 17
май куни
«Sport» телеканални ўз кўрсатувлари-
ни

Сешанба

7.00 «Хайрли тонг!»
7.15, 8.15, 18.45, 21.45 Хабарлар.
7.25, 13.05, 18.00 Болалар майдон-
часи:

13.20 «Миллий мультфильм».
13.40 «Соғлик – бойлик».
14.40 «KINOMANIYA».
15.10 «Баркамоллик сари».

Чоршанба

6.30, 14.00, 1.00 «Салом, ёшлар!»
7.10, 13.10, 16.10 «Даврнинг бола-
си».

16.25 Хоккей. Жаҳон чемпионати.

18.25 «Баркамол авлод».
19.10 «Универсиада - 2010».
19.20 Кураш. Республика турнири.

Чоршанба

7.00 «Хайрли тонг!»
7.15, 8.15, 18.45, 21.45 ХАБАРЛАР.
7.25, 13.05, 18.00 Болалар майдон-
часи:

Душанба

07.00, 08.30, 10.05, 14.10, 17.00,
19.00 Узбек наволари
08.00, 15.00 Сериал «Жассига ух-
шаши йук»

Сешанба

07.00, 07.40, 08.30, 10.30, 13.20,
17.00, 18.10, 19.00 Узбек наво-
лари
07.30 Prime time (рус)
08.00, 15.00, 18.00 Сериал «Жас-

сига ухшаши йук»
09.30 Сериал «Лас Вегас»
11.30 «Просто друзья» худ.фильм
15.30 Мультфильм
17.30 Премьера (узб)
18.00 Prime time (рус)
21.00 Сериал «ЛАС-ВЕГАС»
22.00 «ВОЗМЕЗДИЕ» худ.фильм
00.10 Миксер

Чоршанба

07.00, 08.30, 10.30, 13.40, 17.00,
19.00 Узбек наволари
08.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жас-
сига ухшаши йук»

YOSHLAR

21.55 «Иклим».
22.30 Жаҳон киноси: «Эмма».
00.20 «Афсона ва ҳақиқат».
1.40 «Тасвир ва таассурот».

Пайшанба

6.30, 14.00, 1.00 «Салом, ёшлар!»
7.10, 13.10, 16.10 «Даврнинг бола-
си».

Жума

6.30, 14.00, 1.00 «Салом, ёшлар!»
7.10, 13.10, 16.10 «Даврнинг бола-

SPORT

23.55 Тунги хабарлар.

Пайшанба

7.00 «Хайрли тонг!»
7.15, 8.15, 18.45, 21.45 ХАБАРЛАР.
7.25, 13.05, 18.00 Болалар майдон-
часи:

Жума

7.00 «Хайрли тонг!»
7.15, 8.15, 18.45, 21.45 ХАБАРЛАР.
7.25, 13.05, 18.00 Болалар майдон-
часи:

си».
7.20, 16.20 «Мультипанорама».
8.00 «Қор алангаси». Т/с.
8.40 «Инсон психологияси».

9.10, 21.10 «Тақдир қиссалари». Т/
с.
9.50, 12.50, 18.50 «UzEX».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00,
2.00 «Давр».

Шанба

6.30, 14.00, 1.00 «Салом, ёшлар!»
7.10, 13.10, 16.10 «Даврнинг бола-
си».

«Спортландия». Мультфильм.
7.55 «Военное дело».
8.30 «Малахов +»
9.20 Футбол. УЕФА Чемпионлари Ли-
гаси. 1/2 Финал. «Лион» - «Бавария».

Шанба

7.30 «Хайрли тонг!»
7.45, 8.45, 17.30, 21.45 ХАБАРЛАР.
7.55, 13.05 Болалар майдончаси:

Жума

07.00, 08.30, 10.30, 13.20, 14.30,
17.00, 19.00 Узбек наволари
08.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жас-
сига ухшаши йук»

13.40 «Чашма».
13.50 «Зулфия издошлари».
14.00 «Дутор». Х/ф.
15.00 «Шарқ оҳанглари».
15.50 «Баркамоллик сари».
16.30 «Катта танаффус».

Якшанба

7.00 «Якшанба нонуштаси».
7.20 «Табассум қул!»
7.40 «Ҳаёт сўқмоқлари».
8.00 Кино: «Махаллада дув-дув гап».

13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинг-
лар.
13.25 Хоккей. Жаҳон чемпионати.
15.25 Теннис. Варшава турнири.

Якшанба

7.30 «Хайрли тонг!»
7.45 Футбол. УЕФА Чемпионлари Ли-
гаси. Финал. «Бавария» - «Интер».

14.05 «Стать ближе». Ток – шоу.
14.45 Олимп сари».
15.00 Футзал. Осие чемпионати. Эрон
- Тожкистон.

TV-MARKAZ

00.30 Миксер
Пайшанба
07.00, 07.40, 08.30, 10.30, 14.00,
17.00, 18.10, 19.00 Узбек наво-
лари

07.30 Prime time (рус)
08.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жас-
сига ухшаши йук»

07.00, 08.30, 10.30, 13.20, 14.30,
17.00, 19.00 Узбек наволари
08.00, 15.00, 18.30 Сериал «Жас-
сига ухшаши йук»

Шанба

07.00, 07.40, 10.30, 14.30,
18.10, 19.35 Узбек наволари
07.30 Prime time (рус)
09.00 Мультфильм
11.30 «Hech qachon alvido demang»
хинд бадийи фильми

15.00 «ЧАРЛИ И ШОКОЛАДНАЯ
ФАБРИКА» худ.фильм
17.30 «Кулинарный гид»
18.00 Prime time (рус)
19.00 «Топ-10»

Якшанба

07.00, 11.00, 13.20, 17.00, 18.10
Узбек наволари
09.00 Мультфильм
10.30 «Baby Terra Landiya»
11.30 «На игре» худ.фильм
15.00 Сериал «Жассига ухшаши
йук»

Эҳ эркаклар, эркаклар...

Қаерда ахиллик бўлса, ўша ерда файзу барака бўлади. Бундай оилалар юртимизда кам эмас. Куш уясида кўрганини қилади деганларидек, фарзандлар ҳам ота-оналаридан ўрганганларини ҳаётида қўллайди. Аммо сўнгги пайтларда айрим ота-оналарнинг рўзгор ташвишини ўз зиммасига олиб, фарзандларини аягани ёшлар онгида оила аталмиш муқаддас даргоҳга бир томонлама муносабат шаклланишига олиб келмокда. Бундайлар рўзгор юритишда қийналади.

Ён кўшнимизнинг эри рўзгор илмини сув қилиб ичиб юборган, бозор-ўчарни ўзи қилади, рўзгорини таъминлаб қўйган. Яна бир кўшнимизнинг эри ишдан келибоқ диванга чўзилиб телевизор кўради. Хотин бечора эрига «Ховлидаги дарахтлар шохлаб кетибди. Яна томорқани чопиб, ул-бул экиш керак» деган гапни ҳар куни ўн марта айтади, аммо... Бундай дангаса эркаклар кичкинагина томорқасини чопиб, гул экишга ҳам мардикор қақиртиради. Нураган деворни суваб қўйиш, эшик-деразаларни бўяш, хомток қилиш, деворга уч-тўртта мих қоқиш — бу каби оддий юмушлар баъзи оила бошлиқлари учун муаммо. Албатта бу ишларнинг барчаси аёлга оғирлик қилади. Энг ёмони, кўшни эркакларнинг рўзгорига меҳрини кўриб зил кетади. Бу эса бора-бора унинг эридан кўнгли совушига, натижада оилада нотинчлик пайдо бўлишига олиб келади.

Телевизорда бериладиган «Рўзгор мактаби»

кўрсатувида кўпчилик санъаткорларнинг рўзгор юритиши-ю, овқат пишириши намойиш этилади. Ёш «юлдузлар» ҳатто сабзи, пиёзни ҳам тўғрай олмасликларини кўриб, баъзан ҳафсаланг пир бўлади.

«Тилла» эр

Ҳаётда идеал инсон йўқ, фақат идеалликка интиладиганлар кўпчиликни ташкил этади. Сарлавҳани ўқиган аёллар «тилла» эрлар ҳам бормикан дейиши тайин. Ҳаётда «тилла» эрлар жуда кўп. Бундай эркакларни рўзгорбоп дейишади. Уйда ун тугагани, мойнинг таги кўриниб қолгани, музлатгичда гўшт бор-йўқлигини уй бекаси бу инсонга айтиб ўтириши шарт эмас. Хонадон соҳибининг ўзи ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйиши аёл учун катта бахт.

Яна «тилла» эр уйда ишсиз тура олмайди, қандай иш бўлса ҳам қилиб кетверади. Бунинг асосий сабаби — тарбия. Ота-онаси уни меҳнатсевар, самимий, оилапарвар қилиб тарбиялаган. Бундай ота ҳамиша болалари ва хотинига ўрнак бўлади. «Тилла» эр ўз қадрини билмайди деганлар бирёқлама фикрлайди. Тўғри, социологлар томонидан бундай эркаклар неча фоиз деган изланишлар олиб борилмаган, каминанинг фикрича, улар 5 фоизни ташкил қилса керак. Кейинчалик бундай эркаклар «Қизил китоб»га киритиб қўйилмаса деб кўрқаман. Уй бекаларига бизнинг тавсиямиз —

«тилла» эркакларни авайлаб-асранг!

Шу ўринда бир ҳаётини мисол: яқинда чирогимиз ўчиб қолди, сўччиқдан бўлса керак деб уни очдим, лекин ақлим етмади. Ярим кун чироқсиз ўтирдик. Шунда ўғлим кўшнимиз Неъматжон аканинг қўлидан ҳамма иш келади деб чақириб чиқди. У кишининг самимий сўрашиши, хурмат-иззати менга ёқди. 15 дақиқада чироқ ёнди, пул берсам олмади. Кўшнимиз-ку, ака, хафа қилаяпсиз», деб хайрлашиб чиқиб кетди. Шундай эркакка бундан ўн йил олдин опамнинг қизини бермаганимизни ўйлаб афсусландим. Негаки, жиянимнинг турмуши бузилганди. Шунга айтилади, олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ деб.

Тепса тебранмас

Ҳар бир маҳаллада, қариндош-уруғда дангаса эркаклар борлиги аниқ. У рўзғоридеги энг фойдасиз ва безарар киши. Гоҳо унинг бор-йўқлигига ҳам шубҳа қилиб қоласиз. Ховлида кўрмайсиз уни, қўлига бел, болта, теша олганига «бир асп» бўлган чамаси. У куни билан дивандан тушмаслиги мумкин, тушса ҳам бунга сабаб меҳмон келиб қолишидир.

Бундай турмуш тарзи йиллар бўйи давом этади, бу ҳолатни ўзгартирмоқчи бўлган аёл кучли қаршиликка дуч келади. Хонадондаги барча юмуш аёл бўйнига юклатилади. Ҳатто стулни суриш, газета-журнални ердан олиб жойига қўйиш...

Ачинарлиси, отасининг бундай ялқовлиги фарзандларига ҳам юқади.

«Терминатор»

Бу ибора кўп иш қилиб, кўп зиён етказадиган эркакларга нисбатан қўлланади. У рўзғоридеги энг хавфли киши. Ундан деворга гилам осилишни илтимос қилсангиз бўлди, ишга энг шимариб киришади ва ҳаммаёқни дабдала қилади. Оддий михни қоқишга шундай киришадики, ҳавас қилмасдан иложингиз йўқ. Лекин бир-икки соатдан сўнг девор илма-тешик бўлиб кетади, уни асл ҳолга келтириш учун сувоқчи чақирришга мажбур бўласиз. Уй эшигининг дастаси сал қийшайса бўлди, у зудлик билан тузатишга киришади ва бузиб қўймагунча тин-

чимайди. Умуман олганда, «терминатор» эр уй ишларига қанча фаол киришса, сизни шунча кўп ташвишга қўяди.

Бундай эр билан аёл молдунё орттира олмайди, қизига сарпо йиғишга қийналади. Уйдаги буюмлар омонат эканлигини англаган хотин эрини уй ишларига аралаштирмайди. Бирор нарсани таъмирлаш керак бўлса яхшиси мутахассис чақиради.

«Хўжалик мудир»

Бундай эркаклар жуда рўзгорбоп ҳисобланади. Уйдаги ҳар бир ишга аралашаверади. Хотинини асабий қилиб қўйиши ҳеч гап эмас. Шу боис бутун умр ўзингизни назорат қилишингизга тўғри келади! Худо кўрсатмасин, газ плитасида ювилмаган қозон қолиб кетса ёки кир сочик дастурхонга келиб қолса борми?! Тамом! У албатта сизни чақириб ярим соат маъруза ўқийди. Бундай маъруза меҳмонлар олдида ҳам бўлиши шубҳасиз. Бундан тинчингизни йўқотишингиз турган гап.

«Завхоз» эркак нимани қандай қилиш кераклигини ёлғиз ўзи яхши билишига ишонади. Бундай эркак хонадаги жиҳозларнинг қандай туриши-ю уйни қандай тозалаш, овқат пиширишга ўзи назорат қилади. У билан яшаш осонми? Бу назоратчи билан бир уйда яшаш матонатни талаб қилади. Назоратчи эр хотинининг камчиликларини яхши билади. Уни эркин иш қилишга қўймайди. Ҳар бир ишдан камчилик топади. Одат шундай.

Тан олиш керак, бундай эркак рўзгор учун керак, лекин камчиликларни топавериб аёлини чарчатиб қўяди.

«Зараркунанда»

Бу тоифадаги эркаклар рўзгорга катта зиён етказишади. Уларнинг бошқалардан фарқи шуки, рўзгорга бирор наф келтирмайди. Уй ишларида умуман иштирок этмайди. Уларнинг «мутахассислиги» — уй анжомларини синдириш, ишдан чиқариш, уйни ифлос қилишдир. Энг ачинарли томони шундаки, улар бирор нарсаси ишқибозлиги боис ҳамма нарсани унутган.

Оддий мисол: диванга янги солинган гиламчага бундай эркак албатта қаҳва ёки овқат тўкиб юборади. Бунга сабаб унинг севимли «Реал» футбол жамоаси «Барселона»га ютказмоқда, ахир уни тушуниш керак! Диван устига ағдарилган қаҳва унинг ишқибозлиги олдида жуда арзимас нарса бўлиб туюлади. Лекин бундай пайтда улар билан баҳслашмаган маъқул.

Синган биллур идиш онангиздан эсдалик эканига унинг ақли етмайди. Асабийлашингиз унга таъсир қилмайди. «Терминатор»га қараганда «зараркунанда» эр билан курашиш анча мушкул. Бундай эр билан яшашни истасангиз диван, стол-стулларнинг бақувватидан олинг, синмайдиган идишдан фойдаланинг.

Юқорида турли тоифадаги эркакларнинг алоҳида сифатларига тўхталдик. Лекин ҳаётда яна шундай «ишқибоз» эркаклар борки, улар умуман оила, бола-чақа деб яшамайдилар. Бири беданабоз, бошқаси хўроз уриштиради, учинчиси илон боқади... Эҳ эркаклар, эркаклар, борингизга шукур!



Тоҳир
ИБРОҲИМОВ,
тиббиёт фанлари
доктори, профессор



«Марка-зий банк ва Молия вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда банкларнинг жами капиталини 2010 йилда камида 20 фоизга ошириши, яқин икки йилда эса унинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳажмини 10 фоизга етказиш лозим. Бу борада банк хизматининг янги турларини жорий этиш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини банкларнинг узоқ муддатли депозитларига жалб этишни камида 30 фоизга кўпайтириш, мамлакат иқтисодиётига киритиладиган узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушини ички манбалар ҳисобидан ошириш учун мустақам асос яратиш масалаларини қўшимча равишда ишлаб чиқиш талаб этилади», — дейилади юртбошимизнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида.

«Агробанк»нинг Қашқадарё вилоят бошқармаси Президент маърузасидан келиб чиқиб, шу йилнинг биринчи чорагида бирмунча ишларни амалга оширди. Бугунги кунда жами активларнинг 73,8 фоизи иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашга йўналтирилган. Биринчи чорақда тадбиркорларнинг 275 та лойиҳаси маъқулланди. Уларга 3 млрд. 708 млн. 900 минг сўм кредит ажратилди. Шундан 3 млрд. 671 млн. 900 минг сўми банкнинг ўз маблағи бўлиб, натижада 629 та янги иш ўрни яратилди. Халқаро тараққиёт уюшмаси ҳисобидан эса 60 минг АҚШ доллари миқдорида кредит берилиб, 16 та янги иш ўрни ташкил этилди.

«Агробанк» аҳолига маиший



хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, шахсий ёрдамчи хўжаликлар, паррандачиликни ривожлантиришга ҳам ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрел кунги қарорига асосан Қашқадарёда аҳолига маи-

моқда. Бешкент филиали мижози «Убайдуллаев Достон Шокирович» фермер хўжалиги эса Халқаро тараққиёт уюшмаси маблағи ҳисобидан 60 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ билан таъминланди. Натижада, фермер Хитойда ишлаб чиқарилган юқори

Жами активларнинг 73,8 фоизи реал секторни кредитлашга йўналтирилди

ший хизмат кўрсатиш учун 6 та кичик бизнес субъектига 179,6 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Банкнинг шаҳар ва туман филиаллари кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларга қорамол сотиб олиш учун 25 та лойиҳа бўйича кредит берди. Иссиқхона ва тегирмон қуриш, паррандачиликни ривожлантириш, нон ишлаб чиқариш учун маблағ ажратилди. Мисол учун, бошқарманинг Қамаш филиали мижози «Аббос чорва» фирмаси паррандачиликни ривожлантириш учун 25 млн. сўм кредит олиб, фаолият қўламини кенгайтirdi. Нишон туманидаги «Нишон универсал плюс» фирмаси иссиқхона ташкил этиш мақсадида 50 млн. сўм кредит сўради. Ҳозир иссиқхона тўла қувват билан ишла-

унумли тегирмон ва нон тайёрлайдиган ускуна сотиб олди. Шаҳрисабз туманидаги «Саидов Бекзод» фирмаси 50 млн. сўм кредит эвазига сутни қайта ишлайдиган ускуна харид қилди.

Банкда ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. 11 та оила тадбиркорлик учун 229 млн. сўм кредит билан таъминланди. Жисмоний шахсларга маиший техника, мебел, қурилиш материаллари сотиб олиш учун кредит ажратилди. Умуман олганда, бошқармада истеъмол кредити параметр режаси 130 фоизга, ёш оилалар кредити параметри эса 100 фоизга бажарилди.

Кредит бериш яхши. Лекин у фоизи билан қайтариб олингандагина фойда келтиради. Бошқармада бу борада

яхши натижаларга эришилди. Масалан, мазкур банк филиаллари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга нефт маҳсулотлари, истеъмол товарлари сотиб олишга биринчи чорақда 1 млрд. 319 млн. 100 минг сўм ажратилган ва 1 млрд. 647 млн. 100 минг сўмлик кредит қайтариб олиб бўлинган. Ушбу субъектлар кредит ҳисобига сотиб олган товарларни сотишдан тушган 5 млрд. 809 млн. 600 минг сўм нақд пулни банк кассаларига топширишган.

— Таъминот-тарқатиш ва тайёрлов ташкилотларига қишлоқ хўжалиги техникаси, эҳтиёт қисм ва минерал ўғит сотиб олиш учун кредитлар ажратилиб, факторинг хизматлари кўрсатилди, — дейди бошқарма бошлиғи Эшбўри Аброев. — Фермер хўжаликларига 1 млрд. 106 млн. сўм кредит ажратилди. 5355 та деҳқон хўжалигига шахсий томорқада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун 286 млн. сўм берилди. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тўғрисида»ги низом талабларини бажариш борасида ҳам зарурий чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, ғалла етиштирувчи хўжаликларга 21 млрд. 107 млн. сўм, пахтачи хўжаликларга 32 млрд. 977 млн. сўм имтиёзли кредит берилди.

Фуллом ЮСУПОВ,
«Ishonch» мухбири



(Боши ўтган сонларда)

...Тўйхона тунлари фараҳбахш, эл севган бахшилар айтган термалар кишига завқ бағишлайди. Эртанги кун режалари ҳақида ўй суриб ётган Тўхли чавандознинг қулоғига бахшининг кўшни кўноқ-жойдан таралаётган дилтортар навоси элас-элас чалинади:

**Элдан олиб элга берсанг,
Ризқингни Аллоҳдан сўрсанг,
Дўстлар билан давринг сурсанг,
Давру даврон сенга боқар.
Тулпоринг чорлаб кишнаса,
Туёғидан ўт чақнаса,
Қозонинг кунда қайнаса,
Яхши-ёмон сенга боқар.
Давраларнинг гули бўлсанг,
Алломишдек ули бўлсанг,
Мендайин булбули бўлсанг,
Аҳли замон сенга боқар.
Йигитнинг бўлсин зурёди,
Бемақсад ўтмас ҳаёти,
Оллоҳ эшитар фарёди,
Бу фонийда номи қолар.
Шоҳамбарни ўнг қаноти,
Панжи чиқаргайдур оти,
Демак, ўлмагайдур Тўхли,
Шундайин излари қолар.
Отинг бўлса шу Жиржиндай,
Чопса чопади чақиндай,
Дўстингдан бўлар яқиндай,
Давраларда оринг олар.
Оқсоқол сотса тулпори,
Тўхлининг қолмас қарори,
Бўлмас ишининг барори,
От билан обрўйи кетар.
Қаторида нори бўлсин,
Кўк, Жиржин тулпори бўлсин,
Вафоли бир ёри бўлсин,
Бунда қилган кори қолар...**

Бахшининг инжу термаларини тинглаётган узангидошлар унинг топқирлигига қойил қолишарди:

— Зап айтган эканми?

— Тўхли ака шунга лойиқ-да...

Тўхли эса ҳеч кимга қулоқ солмас, унинг хаёлидан уч-тўрт йил бурун Амиркул оқсоқол савдоси келишиб, Жиржинни қозоғистонлик чавандозларга сотаманга тушиб қолгани, ўзининг унга ялиниб-ёлворгани, охири эл-улус арлашиб асил от элда қолгани ўтарди... Ҳақиқатан ҳам Жиржин, Кўк сингари отлар бўлмаганда, Тўхли элда бунчалик машҳур бўлмасмиди балки. У тўй давраларида энг яқин кўмақдоши ва дилини англарили биродари бўлган шундай насли тоза тулпорлар кўмагида Ўқжилон деган номни орттирмаганмиди?

2

Бир гал Дехқонободнинг Шўргузариди икки кунлик кўпкари чопилди. Томошага уловли, пиёда келганларнинг санаб адоғига етиб бўлмасди.

Амиркул оқсоқол ҳам одатига кўра Тўхли бошлиқ беш-ўн чавандозни Қизилмозордан олиб келганди. Биринчи кун оқсоқолнинг чавагонлари соврин ололмади, раиснинг юзини ерга қаратдилар. Шу пайтгача бундай ҳолатга тушмаган Амиркул Сейли қаҳр-ғазабини ичига ютолмай:

— Сенларнинг борингдан йўғинг яхши эди, мени эл-улус олдида шарманда қилдинглар-ку! — деб захрини соча бошлади.

Шунда Тўхли чавандоз раисга юзланиб:

— Амиркул ака, минаётган отларимизнинг тоби йўқ, айтганимизни қилмаяпти. Жиржин билан Бексари бобонинг Кўки бўлса, эртага ўзим орингизни олиб бераман, агар гапимнинг устидан чиқмасам, Тўхли деган отимни бошқа кўяман, — деб катта гапириб қўйди.

Бу гапни эшитиб турган оқсоқол шерикларидан икки кишини чорлаб:

— Сизлар тезда отларга миниб,

«Ойбек» совхозига боринглар, Тўхли айтаётган икки отни олиб келинг, Тўхлининг хунарини бир кўрайлик, — деб топшириқ берди.

Буйруқ олган икки киши кечаси билан айтилган жойга бориб, эгаларига вазиятни тушунтириб, тулпорларни олиб, тонгнинг гира-ширасида манзилга етиб келдилар.

Тўйнинг иккинчи куни кўпкари қизигандан қизиди. Баковул галмагал катта совринларни эълон қила бошлади. Кўноқда жомакорини кийиб ўтирган Тўхли оқсоқолнинг буйруғи билан бир кечада олиб келинган Жиржиннинг олдига бориб, аввал туёғидан, сўнг узангисидан тавоф қилди. Кўноқдошларидан оқ фотиҳа олиб тулпорга отланди. Кейин газза (кўноқдошлар тўдаланиб ўтирадиган жой)дан даврага энди.

— Илоҳим, омадингни берсин, — пичирлади тулпорнинг сағринига қамчи босиб бораётган чавандознинг изидан Амиркул Сейли.

Тўхлининг кўксиди кечадан бери жамланган аламу изтироб алангаланди. Ўқжилондек товланиб, майдонга кирди. Жиржин чавандознинг шаштини англагандай олмос қилич янглиғ даврани тенг иккига ёриб, таканинг устига минди.

Тўхли инсон зотининг кўзи илғамас тезликда энкайиб:

— Ё, пирим Али, — деб такани кўтариб тақимига босди.

Унинг тилларидан нола каби янграган:

— Ё, болангдан айланай, оргирим! — деган сўзларни фақат ўзи ва тулпоригина эшитди.

Соҳибининг далдасидан илҳом олган тулпор милтиқдан отилган ўқдай жўнаб, рақиб отларини битта-битта тера бошлади.

Майдон узра совринни намоишкорона якка айирган чавандозга ҳайбаракаллар янгради. Шу зайил Тўхли Жиржин билан уч зотни ҳалолладида, газзодошлари томонга яқинлашиб:

— Оқсоқол Кўкни олиб келишсин, бу жонивор чарчади, — деди.

Унинг янграқ овозини эшитиб Амиркул Сейли шерикларига Кўкни чавандозга ўнглашни буюрди. Тўхли Жиржиндан тушиб севимли тулпори — Кўкнинг пешонасидан ўтди, ёлини силади ва ўзига хос чақонлик билан эгарга кўниб, тагин оломон ичига кирди.

Баковулнинг ҳайқириғи чавандозларни сергаклантирди.

— Ол, гижинглаган той, кўша улоқ, ғажари гилам ва уч юз сўм пули бор, чилвир солсанг шармандангни чиқариб қуваман, совринни ҳаром айирганга бермайман, бу давра кўрган баковуллик сўзим, ундан асло қайтмайман.

Кўк чавандознинг шаштини сезди, таканинг ёнига бориб чўккалади, Тўхли қамчининг қулоғидан тишлаб энкайди, зил-замбил такани ердан кўтариб овоз чиқарди.

— Соқи бобомнинг арвоҳи қўлласин, чух, жонивор.

Бошини ерга қаратганча издиҳомни ёрган Кўк ҳаммани доғда қолдириб, бош зотни айирди.

Баковулнинг:

— Ҳа-лол, ҳа-лол, — деган шанги овозини эшитиб, белгиланган маррага етган Тўхли такани ташлаб, тулпори жиловини тортди.

Ўша кун Тўхли Кўк билан тўрт соврин олиб, сўзининг устидан чиқди.

Ана шуйтиб денг, чавандоз элининг йўқотилган орини тиклади, оқсоқолнинг қувончдан кўзи ёшланди, Тўхлининг тунов кундан бери вужуди узра ёғилаётган ор-номус бўрони тиним топди. Бундан лол қолган минглаб чавандозлар ҳайратдан ёқа ушлади. Ўша кундан бошлаб, оқсоқоллару чавандозлар, кўпкари ихлосмандлари Тўхлини Ўқжилон деб атай бошлашди.

— Бу Тўхли чавандоз ҳақида эшитганларимдан бир чимдим холос, — деди Жовли ака олдидаги пиёлага

қуйилган чойдан бир хўплаб. — Тўхли чавандозлар ичида энг чаққони, эпчили, оргири бўлган, дидлаган совринини олмасдан қўймаган. Келинг, яхшиси сизларга яна бир ғаройиб воқеани айтиб берай.

Ўшанда шахшорлик ўрмон хўжалиги раиси Ғаффор Пиримовнинг икки кунлик кўпкарисини бўлаётганди. Тўй эгаси ўзининг ғунажинини совринга ташлаймиз деганида хотини ялиниб-ёлворди:

— Майли, ҳамма нарсани ташланг, розиман, лекин шу ғунажинни мол қиламан дегандим, болаларнинг ризқини кийиб, уни совринга ташламанг.

Бу сўзларни эшитиб турган сурхонлик Сайлов чавандоз тилга кирди:

— Янгажон, асло хафа бўлманг, агар Жийрон ўлмас, Сайлов тирик турса, шу ғунажинни отингиз билан олиб, кўтонингизга келтириб солман, — деб таскин берди.

Бу гап Тўхлининг қулоғига ҳам етди. Меҳмон чавандознинг катта гапириб қўйганидан орланиб шу совринни олишга бел боғлади.

Кўпкари бошланди. Бир неча сов-

лан элга танилган Муслмон Пардаев баковул этиб тайинланди. Кўпкарига ташланган солимининг огирлигидан бир-бир ярим соатча ҳеч бир чавандоз айиролмади. Шу даврада Тўхлининг икки ўғли — Шоҳамбар ва Панжилар ҳам бор эди. Чавандозларнинг ғайратсизлигидан нолиган Тўхли Қорабайирга отланиб, майдонга кирди. Совринга ташланган такани бир даст билан кўтариб, Жангалча майдонини икки айланди.

Баковулнинг:

— Тўхли ака, сизга ҳалол, сизники ҳалол, — деган товушидан кейин такани ерга ташлади.

Бу ғайриоддий ҳаракат ёш чавагонларга бир мактаб бўлди, ғайратига ғайрат қўшди...

— Тўхли бобо шогирдларига жуда талабчан эди, унча-мунчасига ишонч билдиравермасди. Уларни қайта-қайта синовдан ўтказиб, кейин давраларга киришига рухсат берарди, — дея хотираларини давом эттирди Жовли домла. — Қизилмозордаги барча чавандозларга устозлик қилган десам ёлғон бўлмайди. Уларни эргаштириб,

Абдунаби Абдиев, Мухтор Пардаев

Кўпкари

Эссе



рин эгасини топди. Сайлов ҳам, Тўхли ҳам тўрт-беш соврин айирди. Баковул совринга ғунажинни ташлади. Катта солимга эгалик қилиш учун чавандозлар такага от солди. Оғир такани Жийрон билан ердан кўтариб олган Сайловнинг бир ёнидан Кўк билан Тўхли қўшилди. Майдонни икки айланган рақиблардан ўзган Тўхли Сайловни доғда қолдириб, минглаб томошабинлар кўз ўнгида такани баланд қоядан ошириб ташлади.

3

— Э-э, нимасини айтай, Тўхлининг ҳаётидан бундай мардонавор лавҳаларни гапириш у ёқда турсин, бармоқ букиб санасак-да, икки-уч кун камлик қилади. Тўхли бобо олтмиш тўрт ёшида алам устида совриндор бўлганигача ҳар бир қадами қизиқарли ҳикоя десак, муболага бўлмайди, — деб Жовли чавандоз ҳикоясини тугатмоқчи бўлди.

Аммо қизиқувчан шерикларимиздан бири:

— Домлажон, ҳеч бўлмас шугина воқеасини айтиб беринг, эшитмасак армонда қоламиз, — деб ҳазиллашди.

Домла бошидаги телпагини ерга қўйди-ю, сўзлай кетди:

— Бу воқеа янгикишлоқлик ҳисобчи Маҳмадали Жумаевнинг тўйида рўй берган эди. Даврага ўзининг ҳақ-ғўйлиги, ҳалоллиги, кўрқмаслиги би-

у ёғи Сурхону Туркменистон, бу ёғи Самарқанду Жиззах, Қашқадарёнинг эса барча жойларига олиб бориб, ҳар бир ҳаракатини назардан қочирмас, зарур пайти ёнига чорлаб, маслаҳатини аямасди. Ишонасизларми, у кишининг кенжа ўғли Панжи еттинчи синфда ўқиб юрган кезларидаёқ соврин айира бошлаган.

ОТА ЯРАТГАН МАКТАБ**1**

Иккинчи кеча Алпон полвонникида тунаб қолдик.

— Энди Панжиникига борамиз, — деди Абдусалом ака эрталабки нонушадан сўнг.

Алпон полвоннинг ҳовлиси шундоққина баланд қирнинг этагида жойлашган.

— Шугина тепадан ўтсак, нарёғи Панжи чавандознинг янги қурилган уйи, — деди биз билан бирга йўлга чиққан хонадон соҳиби.

Эрта билан тепаликка ўрлашдан қийини бўлмас экан, бироз юриб дам оламиз. Шерикларимиз чарчаганини билдирмасликка уринади.

Бир тепалик тугаб, иккинчисининг ёнбағири бошланганда Абдусалом домлага савол беришдан ўзимизни тийиб туролмаймиз:

— Ҳали йўл олисми?

— Озгина қолди, ҳайла, ўша тепадан ўтсак, Панжининг янги ҳовлиси.

— Бизда «чўлдаги чўпоннинг ҳай-

ласи бир кунлик йўл» деган гап бор, сизники ҳам шундан қолишмайди шеклли, — деймиз хансираб ҳазиломуз оҳангда Абдусалом домлага.

Кулги — танга даво деганлар билиб айтишган, бир муддат чарчоғимиз аригандек бўлади.

Хуллас, бир ярим соатча йўл юриб, баланд қирдан ошиб Панжи полвоннинг уйига етиб бордик. Ўғиллари очик чехра билан истиқболимизга чиқди. Алпон чавандозга қараганда бироз паст бўйли бўлса-да, хушбичим, қорувли Панжи полвон ҳам пешвоз чиқди:

— Хуш кепсизлар, бугун қайси томондан ой чиқди?

— Ой билан кунга нима ишинг бор, меҳмонларни ичкарига торт, — деди Алпон чавандоз узангидош ўртоғига эркиншиб.

— Буларнинг иноқлигига иккаласининг оталари сабаб, — изоҳ берди Абдусалом домла дастурхон бошига ўтириб, фотиҳа қилганимиздан сўнг. — Алпон билан Панжини бир-бирига мадад бўлсин деб болалигида тўн ёптиришган. «Туғишгандан туғишган афзал» деб айтишади-ку, шу-шу ик-

ни елдириб келиб. — Панжасидан ҳеч нарсани ажратиб бўлмасди.

— Билмадим, ярим тун устимдан бир шарпа ўтгандек бўлудди, шундан хавфим бор, — ҳозиржавоблик қилди Тўхли чавандоз.

— Қўйинг-эй, Абдусалом ака, ёнимизда ёшлар бор, бунақа гурунларни берсангиз, оламга жар солиб юборишади. Яхшиси болалигимда отам олиб берган бия ҳақида гапиринг, — деди Панжи чавандоз ўзини кулгидан тийиб туролмай.

— Кушнок биями, ҳалигача икки ёққа шох ташлаб чопиши кўз ўнгимдан кетмайди, — гапни илиб кетади Алпон полвон. — Аслида Шоқамбар аканиям, мениям, Панжиниям чавағон қилган шу байтал.

2

— Саккизинчи синфда ўқирдим, янгиқишлоқлик чўпон Чори Янгиев умри бисотида бор-йўғи бир ўғил кўрди. Акаси — эл оқсоқоли Бобакбой Янгиев бош бўлиб, кўпкари тўй қилдирди. Биринчи кун тойкашларга улоқ берди. Зот олганларини совринсиз қўймади. Чори бобо Бобакбой Янгиевнинг ёшгина байтали билан

кур чавандоз уларга кўноқ бэлгилади. Бу даврда Панжининг шухрати ошганди. Кенгталада «Панжи келибди» деган мишмиш тарқалди. Ўша кеча бу кўноқжойга Панжи чавандозни кўриш учун келиб-кетганларнинг сони бўлмади. Унинг кичик жуссасини кўриб:

— Бу туришида эртага бирон соврин ололмайди бу, — деганлар ҳам бўлди.

Эртаси кўпкари майдонида Панжининг отини ҳам, ўзини ҳам фақат давра баковули Қодир Қаракулнинг «Сеники ҳалол, чавандоз» деган овозидан бошқа ҳеч бир чавандоз тўхта-толмади. Кўпкарининг биринчи кун Панжи полвон саккиз совринни ҳалоллади. Иккинчи кун кўпкари майдони атрофидаги уйларнинг томи ҳам Панжини бир кўриш илинжида чиққан қиз-жувонлар билан тўлди. Баковул бир неча кичик совриндан сўнг катта зотни эълон қилди:

— Чавандозлар, эшитинг! Кўш хўкизи, кийизи бор, ҳалол олганга бераман.

Бу совринни ҳам Панжи Қорабайир деган тулпори билан якка айир-

акам ҳам анчагина совринни олгандинлар. Лекин охириги совриндаги беш яшар хўкиз менга насиб этганди. Унинг сумбатини кўриб:

— Шу хўкизни олиб кетаман, — деб оёқ тираб туриб олгандим.

— Бизнинг ҳам сотишга кўзимиз қиймагани-да.

— Барибир, ҳамма уринишларимизни Кенгталадаги сел бир пул қилганди.

— Агар хўкизни сақлаймиз деганда ўзимиз селга оқардик.

— Кўз ўнгимизда бир кўриниб, бир кўринмай кетди-я хўкиз жонивор.

Гўё даврада иккаласидан бошқа кимса йўқдек бир-бирини маъқуллаб, бири иккинчисини тўлдириб гапираётган икки узангидош, икки чавағоннинг қалбидаги меҳр учкунлари бизнинг ҳам дилимизни ёритарди.

5

Суҳбатимиз тизгини ўз-ўзидан чавағон отлар, давраларни лол этган чавандозларга бориб тақалди.

— Отнинг зўри зўр бўлади, — деди Алпон чавандоз янги мавзудан завқ олиб. — Мана Абдусалом ака айтсин, у киши уйида биздан ҳам кўпроқ от сақлаган. Қаҳарни неча сўмга пуллагандингиз, домла?

— Нишонликлар бир сигир, бир от, 31 минг сўмга «сизники она сундан ҳалол» деб олиб кетишганди.

— Ўша пайт бу пулга битта «Волга», битта «Жигули» олса бўларди-да, Абдусалом ака? — сўрайди Панжи чавандоз. — От билан сигир эса ёнга қолади.

Алпон полвон хотираларини варақлаб:

— Отам «Бексари бобонинг Кўк лақабли оти 78 та тана, бир палитурка мошинга баҳоланганди» деб гурун берарди, — деди.

— Эшонкуллов домланинг отлари-чи, эҳ-ҳей, бундай мисолларни санашга вақт керак.

Даврада бирга от сурган чавандозлар ҳақида гап кетганда, Алпон билан Панжининг фикри бир жойдан чиқди:

— Чавандознинг зўри деб Тераклидан Шоди қозоқ, қалқамалик Жамолхон эшон, макритлик Файзулло, чоптепалик Эшқул четгирларни айтса бўлади.

Алпон узангидошлари ёнида ўтиргандек ҳаяжонини бостиролмайди:

— Шоди қозоқ кўпкарида отнинг белини синдирадиган қилиб қайтарарди. У ҳақда «Осмонда ил, ерда зил, от устида фил» деб бежиз айтишмайди.

— Эшқул четгир-чи? Раҳматли бир силтаганда энг зўрман деган чавандоздан ҳам такани тортиб оларди...

...Қизилмозор томонлардан бир олам таассурот билан қайтдик. Тоғ одамларининг кўпкарига бўлган меҳридан завқ олдик. Ҳатто Дуобда биз билан бир мошинга ўтирган олтмиш ёшлардаги киши ҳам мақсадимизни эшитиб:

— Эҳ, бизникига кирмабсизларда, коллежнинг ёнидаги тепаликдаги уй бизники. Ўзим тракторчи бўлсам-да, кўпкарига шинавандалигимдан кўрган, эшитган давраларимни қозоғга тушириб бораман. Ҳозир икки катта дафтар тўлган, — деди.

Ўрол исмли янги танишимизни «келгуси сафар албатта сизникига кириб ўтамиз» деб ишонтирдик.

Йўл бўйи тоғу-тош фаройиботларига тикилиб бораётганимизда ҳам, муқаддас қадамжо — Лангартани зиёрат қилиб ўтганимизда ҳам нафақат табиат фусункорлигидан, балки ҳаёлимизда пишиб етилаётган янги режалардан завқ олардик.

(Тамом)

ГУРУНГАЛАРИ

кови жўра. Алпон Панжидан икки ёш катта.

Биз четда қолиб, икки узангидош гурунга берилишди. Чавандоз халқи бироз шухратталаб бўлади, Панжи Алпон сўраган давралардан гапирса, Алпон майдонни Панжининг голибона ҳайқириги тутган кунлардан сўз очди.

— Ўларингни қанча осмонга кўтарманглар Тўхли бобонинг дамига тушмаганларингда гўр бўлмасдинлар, — уларнинг суҳбатига аралашди Абдусалом ака.

— Тўғри, отам ҳам бизга нисбатан талабчан эди, — уни маъқуллади Алпон. — Аммо Тўхли амакимнинг ўрни бўлак, у киши ёшлар билан ишлашдан сира эринмасди.

— Тўхли бобо шогирдларини тергаб турарди, агар кулгига олмасангизлар, Панжи билан боғлиқ бир воқеани айтиб бераман.

Икки кун давомида Абдусалом домланинг дилтортар гурунларига маҳлиё бўлиб қолганимиз боис Панжи чавандоз: «Яна бир шумликни ўйлапсизми дейман, домла?» — деб унинг гурунтини бўлмоқчи бўлганига қўймадик:

— Бошладингизми, энди охиригача айтасиз.

— Майли, эшитинглар. Кўпкари мавсуми олдида Тўхли бобо отни боқувга қандай олса, Шоқамбар билан Панжини ҳам нима еб, нима ичишидан тортиб, қандай ётиб, қандай туришигача назорат қиларди. Ёшлик қилиб хотинларининг ёнига бормасин деб иккаласига бир хонадон жой қилдириб, эшик олдига ўзи тўшак солиб ётарди. Ҳа, дарвоқе, сизларга Шоқамбар ҳақида гапириб бермадим, шекилли. Панжининг акаси у, биз билан тенгдош эди, бечоранинг умри қисқа экан, ёш кетди. Лекин кўзга яқин чавағон бўлиб етишганди. Одамлар: «Шоқамбар билан Панжи икки томондан от суриб, майдонга чиқса ерлар ҳам ларзага келади», — дейишарди.

Майли, мавриди келиб, Шоқамбар ҳақида алоҳида гапириб берарман, ҳозир гурунган чалғимайлик. Бир кун Обло Эшқувватов баковуллик қилаётган тўйда Панжи тақимлаган така қўлидан тушиб қолди:

— Полвон, Панжини нима жин чалди, қўли улоқни тутмайдиган бўлибдими? — деди Обло ака давра четида ўтирган Тўхли бобонинг ёнига оти-

шовлоқда кетма-кет голиб чиқаверди. Шовлоқ дегани билан унгаям зўр отлар кирарди. Байталдан зўр от чиқарини сезган отам ўша кун уни 1500 сўмга сотиб олиб берди. Эртасига катта кўпкарига шу байтал билан кириб, икки марта зот айирдим. Жийрон бия ўргатиб қўйилгандек нақ таканинг устига чиқиб борарди-да, эгасига ўнғай бўлсин учун эгиларди. Шунча бўлгандан сўнг ичида жони бор одам қийналмасдан такани ердан узарди-да.

Бу тўй тугагандан кейин отам бизни эргаштириб, Тошқўрғондаги тўйга олиб кетди. Ўзиям йигирматача отлик бор эдик. Мен ўша даврнинг пулига қиммат нарҳда олинган бияни миниб бордим. Кичик гавдали бияни кўрган тошқўрғонлик чавандозлар — Асадулло, Нурулло, Жума, Раҳмон қора, Тупал Турдилар кулишди.

— Тўхли ака, зап отни биласиз-да, — деди кулгидан ўзини аранг тутиб турган Асадулло четгир. — Шу зингарчани улоқчи от бўлади деб ўғилларингизга олиб бердингизми?

Кўпкарида байтални Шоқамбар акам миниб уч зот айирганидан сўнг ҳамма қойил қолди. Акам бир зотни айнан Асадулло четгирнинг тақимидан узиб олганида у:

— Тўхли ака, мен билмаган эканман, бу байталигиз от эмас, захарча экан, — деди.

Ўша тўйдан сўнг Асадулло четгир бизларни қўярда-қўймай уйига олиб бориб, Шоқамбар акам билан қиёматли дўст тутинди.

Панжи чавандознинг ҳикояси даврамизга жон киритди, тагин анча-мунча давраларни ёд олиб, анча-мунча чавандозларнинг кулогини қизитдик.

3


Кенгталалик Эгамшукур чавандознинг довуғи эл ошган эди, аммо ўғли йўқ эди. Худодан биргина ўғил тилаб, неча-неча совринларини бева-бечораларга тарқатиб берди. Илтижолари ижобат бўлиб, хонадонда ўғил туғилди. Чавандоз хурсандлигида ўзини қўярга жой тополмай камидан ўн беш йилдан бери олган совринларини ўртага қўйиб, икки кунлик кўпкари берди. Кўпкарининг овозаси эллардан ўтиб, элларга етди. Кичикўрадан ҳам Тўхли бошлиқ бир гуруҳ чавандозлар тўйга етиб боришди. Қозон-қозон дамланган ошдан еб, тўёна бердила! Эгамшу-

Касаба уюшма спорти

Кенгаш ташаббуси билан

9 май — Хотира ва Кадрлаш куни муносабати билан мамлакатимизнинг турли жойларида тадбирлар, давра суҳбатлари ва спорт мусобақалари ташкил этилди.

Жумладан, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан тармоқ ходимлари ўртасида спорт мусобақаси ташкил этилди. Чирчиқ шаҳрининг сўлим гўшалари — «Бўстон» сиҳатгоҳи ва Чирчиқ олимпия захиралари коллежи спорт аренаси икки кун мобайнида одатдагидан гавжум бўлди.



12 та жамоага бўлинган ҳолда 120 нафардан зиёд ўқитувчи иштирок этган баҳслар бир-бирдан кескин ва мурасиз кечди. Куйичирчиқ тумани волейбол жамоаси рақибларидан устунлигини амалда намойиш этган бўлса, мини футболда мухлислар бундан-да қизиқарли ўйинлар гувоҳига айланишди. Бўстонлик тумани жамоаси эса чиройли ва турли комбинацияларга бой ўйин кўрсатди.

— Бу каби мусобақалар таълим ходимларининг жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишини янада юксалтириши, шубҳасиз, — дейди таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши раиси Шухрат Дехқонов. — Айнан шунинг учун ҳам баркамол авлод тарбиячилари бўлмиш ўқитувчиларни йил давомида турли саналарга бағишланган тадбирлар билан машғул этиб, уларни спортга янада кенгроқ жалб этишни режалаштирганмиз. Қизиқарли ва кескин курашларга бой бўлган тадбирда куйидаги натижалар қайд этилди.

Мини футбол баҳсларида кучли учликни Бўстонлик тумани, Янгийул шаҳар ва Зангиота тумани яқунлаб беришган бўлса, қолган учта ўрин Бекобод, Бўка ва Куйичирчиқ туманларига насиб этди. Аёллар ўртасидаги волейбол баҳсларида эса Куйичирчиқ, Бўстонлик ҳамда Пискент туманлари юқори уч погонани банд этишди.

Нарзулла МАХАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Олмалик қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик касб-хунар коллежи спорт мажмуасида ўтказилган турнирда Бекобод қурилиш ва коммунал хўжалиги, Бўка қурилиш ва сервис, Чирчиқ қурилиш ва коммунал хўжалик, Охангарон маиший хизмат кўрсатиш ҳамда Олмалик қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик касб-хунар коллежи жамоалари иштирок этди.

Тадбирнинг очилишида сўз олган вилоят вакили Тоҳирхўжа Одилхўжаев ушбу турнирдан мақсад ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини янада ошириш эканини таъкидлади.

— Турнир спорт барка-

Баркамол авлод йили муносабати билан касаба уюшмалари тизимида спорт мусобақаларига эътибор янада кучайди. Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Тошкент вилоят вакиллиги томонидан ўтказилди.

моллик сари етакловчи асосий кучлардан бири эканини яна бир бор хис қилишга

кенгаши раиси Дониёр Каримов ва бошқалар ушбу тадбир ёшларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан қолдирилган бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этишини қайд этишди.

Қизгин баҳсларга сабаб бўлган турнир натижасига кўра, Бекобод коллежи жамоаси биринчи ўринни қўлга киритиб, финал босқичига йўлланма олди. Иккинчи ва учинчи ўрин Олмалик ҳамда Бўка коллежи жамоаларига насиб этди.

Акмал ЭРГАШЕВ

Баҳсларга бой бўлди

қўмақлашди, деб ўйлайман. Муҳими, ўзаро баҳс бешта жамоага дўстлашиш имконини ҳам берди, — деди тармоқ Марказий кенгаши раиси Ўктам Турғунов. — Илк мартаба ўтказилаётган ушбу мусобақа анъанавий бўлиб қолишига ишонаман.

Шунингдек, коллеж директори Гулчехра Эгамназарова, «Камолот» ЁИХ шаҳар

Футбол

Қимматга тушган пеналтилар...

Хабарингиз бор, 11 май куни Сурияда Қаршининг «Насаф» клуби «Ал Карам», Қатарда эса «Пахтакор» «Ал Гарафа» жамоаларига қарши плей-офф баҳсларида майдонга чиқди. Аммо икки жамоамиз ҳам пеналтилар қурбонига айланишди. «Пахтакор» имкон қадар ўйнаган бўлсада, яқунда мағлуб этилди. Нима бўлганда ҳам мезбонларга омад қулиб боқди. Қаршининг «Насаф» клуби эса, амалга ошира олмаган пеналти ҳисобига ўз дарвозасидан ўн бир метрлик зарбани олиб чиқишга мажбур бўлди. Хуллас, нимчорак финалда кейинги босқич йўлланмасини Суриянинг «Ал-Карам» ҳамда Қатарнинг «Ал Гарафа» жамоалари олиб кетди. Начора, бу футбол...

Спартакиада

Қарши шаҳридаги «Насаф» стадионида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашининг Баркамол авлод йилига бағишланган «Саломатлик» тармоқ спартакиадаси ташкил этилди.



Майдонда саломатлик посбонлари

Қарши шаҳри, туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят ОИТС маркази, Қон хизмати маркази, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё вилоят филиали ходимлари волейбол, стол тенниси, оилавий эстафета, енгил атлетика, арқон тортиш бўйича қизгин мусобақалашдилар.

— Қарши шаҳар туғруқ комплексидида ишлайман, — деди Гулнора Сиддиқова. — Ҳафтанинг шанба кунлари мажмуамизга қўшни 29-умумтаълим мактаби ўқитувчилари билан биргаликда шуғулланамиз. Бу йил волейбол баҳсларида жамоамиз голиб чиқди. Муҳими, бўш вақтимизни мазмунли ўтказаямиз.

— Спартакиаданинг туман босқичида 42 та тиббий муассасамиз жамоаси иштирок этди, — таъкидлади Қарши туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Тўйчи Арабов. — Ходимларнинг мунтазам спорт билан машғул бўлиши учун барча шароитлар яратилганлиги қўл келди. Натижада, бир неча ходимларимиз голиб ва совриндор бўлишди.

Умумжамоа ҳисобида Дехқонобод тиббиёт бирлашмаси биринчи, яккабоғликлар иккинчи, Китоб туман жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Улар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Фолиблар тармоқ спартакиадасининг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритишди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Универсиада — 2010»

Йилнинг асосий спорт тадбири сифатида эътироф этилаётган талабаларнинг «Универсиада — 2010» Республика мусобақалари бошланишига ҳеч қанча вақт қолгани йўқ.

Мусобақалар арафасида...

Оммавий тадбирлар Андижон шаҳридаги «Баркамол авлод» ўйингоҳида бўлиб ўтади. Вилоят ўқув юрларининг 6 минг нафар талаба йигит-қизлари очилиш маросимига жалб этилган бўлиб, пойтахтлик режиссёр, балетмейстр ва бадий жамоалар уларга ёрдам беради. Универсиада қатнашчиларининг мазмунли ҳордик чиқариши, экскурсиялар ташкил этиш жадваллари ишлаб чиқилган.

Яқин кунларда вилоятга республикамизнинг 12 та ҳудуди ва Тошкент шаҳридан мусобақаларда қатнашувчи талаба ва меҳмонлар ташриф буюради. Биргина спортчи ва мураббийлар сони икки мингдан ошиши кутилмоқда. Бундан ташқари, вилоятлардан келган вакиллар, тиббиёт ва ОАВ ходимларининг бемалол фаолият юритишлари учун барча шарт-шароит ҳозирлаб қўйилган.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўйин шиддатли кечди

Тошкент давлат иқтисодиёт университети бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан факультетлар ўртасида спортнинг мини футбол тури бўйича «Кўчма кубок» мусобақасининг финал учрашуви ўтказилди.

— Тадбирдан мақсад, талаба ёшларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, спортни уларнинг кундалик эҳтиёжига айлантиришдир, — деди қўмита раиси Қ. Алимов.

Баҳслар мурасиз кечди. Буни голиблар пеналтилар сериясида аниқланганидан ҳам кўриш мумкин эди.

Шиддатли кечган мусобақалар натижасига кўра, биринчи ўринни «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» факультети эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса «Иқтисодиёт ва ахборот технологиялари» ҳамда «Менежмент» факультетларига насиб этди. Фолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Хотира турнири



Вилоят электр корхонаси 2000 йили Франция саноатчилар ассоциацияси олтин медалига сазовор бўлганлигини жаззалиқлар ҳали-ҳали эслашади. 2001 йили тармоқ раҳбари Омонгелди Нарзуллаевнинг самарали

хизматлари ҳуқуқимиз томонидан муносиб баҳолаиб, «Шухрат» медали билан тақдирланди. Афсус, бир йил ўтиб ўтмай бешафқат ўлим уни дўстлари орасидан олиб кетди. Бугунги кунда уч нафар фарзанди, ўнлаб шогирдлари унинг ишини давом эттиришяпти.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Жиззах вилоят вакиллиги тизимидаги

«Жиззах электр тармоқлари» ОАЖ касаба уюшма ташкилоти корхона маъмурияти билан ҳамкорликда О.Нарзуллаев хотирасига бағишлаб турнир ўтказди.

Вилоят электр тармоқлари тизимининг шаҳар ва туманларида меҳнат қилаётган 16 та жамоа Жиззах политехника институти спорт мажмуасида волейбол, шахмат, шашка, енгил атлетика бўйича ўзаро беллашдилар.

Умумжамоа ҳисобида Пахтакор туман электр тармоқлари жамоаси биринчи, ғаллароликлар иккинчи, форишлиқлар эса учинчи ўринни эгаллади.

— Хотира ва Кадрлаш куни

муносабати билан ўтказилган ушбу тадбирнинг аҳамияти бекиёс, — дейди Марказий кенгашнинг вилоятдаги вакили И.Уринов. — Соҳа ривожига меҳнати синган Омонгелди Нарзуллаевни яна бир қарра хотирлаш орқали унинг ёрқин ҳаёт йўли ёшларимизга ибрат қилиб кўрсатилди. Уйлайманки, бу уларнинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади. Мазкур беллашувда 220 нафар касаба уюшма аъзолари бевосита иштирок этганлигининг ўзиёқ турнир қанчалар қизиқш уйғотганлигини тасдиқлаб турибди.

Фолибларга фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири



Шанхайда жаҳон «Экспо - 2010» кўргазмаси

Шанхайда «Экспо - 2010» халқаро кўргазмаси давом этмоқда. 31 октябргача давом этадиган кўргазма «Яхши шаҳар, яхши ҳаёт» шиори билан ўтказилмоқда. Хар беш йилда ташкил этиладиган кўргазмада 200 дан ортиқ мамлакат ва халқаро ташкилот қатнашяпти. 49 та давлат унда миллий павилонларини барпо этгани ҳолда бошқалар ташкилотчилардан павилонларни ижарага олган. Айрим мамлакатлар эса павилонлардан биргаликда фойдаланмоқда.

«Экспо - 2010» кўргазмасида Ўзбекистон ҳам қатнашяпти. Унда мамлакатимиз қўлга киритган ютуқлар намойиш этилмоқда.

Ярим йил давомида 5,3 квадрат-километр жойни эгаллаган кўргазмага 70 миллиондан зиёд томошабин ташриф буюриши, уларнинг атиги 5 фоизи хорижликлар бўлиши башорат қилинаётир. Ташкилий қўмита раиси Ян Сюннинг гапига қараганда, кўргазма одамларнинг хотирасида мангу қолиши учун барча ишлар қилинган. Хабарларга кўра, кўргазмага тайёргарлик учун 400 млрд. юан (58 млрд. доллар) сарфланган. Маблағ транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, жумладан, «Хунцяо» аэропортини кенгайтириш, метро қурилиши, Хуанпу дарёсининг соҳилларидаги тарихий обидаларни таъмирлаш ва шаҳарликлар турмуш тарзини яхшилашга сарфланган. Шанхай метросининг узунлиги 340 километр бўлишига қарамай,

шаҳарда ҳаракатланишнинг энг қулай воситаси ҳамон такси бўлиб қолмоқда. Кўргазма ўтадиган даврда ҳар бир фуқаро хоҳлаган вақтида фойдаланиши учун ташкилотчилар 4 мингта машина харид қилишди. Бундан албатта шаҳарликлар ҳам, меҳмонлар ҳам хурсанд. Бироқ эски таксичилар «Экспо - 2010»га хизмат кўрсатадиган янги таксопарк мижозларнинг 40 фоизини олиб қўйганидан нолимоқда.

Хитой расмийлари ҳар қандай тadbирнинг хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратишади. Шанхай кўргазмаси ҳам бундан мустасно эмас. Кўргазма хавфсизлигини мингдан ортиқ полициячи ва ҳарбий хизматчи таъминламоқда. Шаҳар кўчаларида полициячиларнинг кучайтирилган тартибда патруллик қилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Кўргазма майдонларига элтвучи ҳар бир автобусда полиция вакили бор. Бундан ташқари, метронинг 282 та бекатидаги 870 та ки-

риш йўлига махсус детекторлар ўрнатилган.

«Экспо - 2010» майдонларининг эшиклари оддий томошабинлар учун 1-майдан очилди. Телевидениеда берилган «кўргазма олти ой давом этади, шу боис уни томоша қилишга шошилмаслик керак» деган тавсияларга қарамай, шу куни 350 минг киши ташриф буюрди. Масалан, АҚШ павилонига бориш учун тўрт соат кутиш керак бўлса, Англия ютуқларини кўрмоқчи бўлганлар навбатда икки соат кутиб қолишди. Шунингдек, икки соат навбатда тургач, мезбон павилонига бориш насиб қилди. Айтиш керакки, қарилар ва болали аёллар ҳар қандай павилонга навбатсиз кириш имконига эга. Мухбирларнинг хабар қилишича, «Экспо - 2010»нинг биринчи кунлари унда бўлганлар кўргазмадан қониққанини айтишмоқда.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ



МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдуҳолик
АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:

Алла Долженкова,
Анвар Юнусов,
Довуд Мадиев
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Жаҳонгир Шарофбоев
(масъул котиб),
Маъмура Адилова,
Мирзохид Содиқов,
Нормат Аллаёров,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримкул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев

Бизга қўнғироқ қилинг:

Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди.
Бичими А-3.
Ҳажми 4 босма табоқ.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.
Наширимиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик материаллар (h) белгиси остида чоп этилади.

E-mail: mail@ishonch.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи котиб:

Ж.Шарофбоев

Навбатчи:

А.Абдуллаев

Мусахҳих:

Н.Раҳимова

Саҳифаловчи-

дизайнер:

Ҳ.Абдужалилов

Босишга топшириш

вақти - 21.00

Топширилди - 21.00

Буюртма Г-451

Тиражи: 19089

ISSN 2010-5002

1 3 4 5

Ҳалокат сабаби аниқланади

AFP агентлигининг хабар беришича, қутқарувчилар 12 май куни Триполи аэропортига қулаб тушган «Airbus A330-200» самолётининг «қора қути»ларидан бирини топишган. Ундаги приборларга оид маълумотлар «Afriqiyah Airways» авиакомпаниясига қарашли самолёт не сабабдан ҳалокатга учраганига аниқлик киритиш имконини беради. Унда 93 йўловчи ва 11 нафар экипаж аъзоси бор эди. Фожиа оқибатида голландиялик саккиз яшар боладан ташқари, барчаси ҳалок бўлган.

Ливия транспорт вазири Муҳаммад Али Зайдоннинг гапига қараганда теракт содир этилган деган тахмин кўриб чиқилмаяпти. Шунингдек, унинг қайд этишича, самолёт бортида Европа давлатлари, Ливия ва Африканинг бошқа мамлакатлари фуқаролари бўлишган.

«Airbus A330-200» Йоханнесбургдан Триполига учиб келган эди. Одатда, бундай самолётларга иккита «қора қути» ўрнатилади. Бири приборлардаги кўрсаткичларни қайд этади, иккинчиси учувчилар кабинасидаги сўзлашувларни ёзиб олади.



Европа комиссияси Эстонияни еврозонага қабул қилишни тавсия этди. Бу ҳақда «Bloomberg» Эстония ташқи ишлар вазирлигининг маълумотиغا асосланиб хабар тарқатди.

Эстония еврозонага кирмоқчи

Еврокомиссиянинг ҳисоб-китобларига кўра, 2010 йили Эстония бюджетдаги дефицит ялпи ички маҳсулотнинг 2,4 фоизини ташкил қилади. Биронта мамлакатни еврозонага қабул қилишнинг шартларидан бири эса бюджетдаги дефицитни ЯИМнинг 3 фоизгача қисқартириш ҳисобланади.

Эстониянинг 2011 йилдан еврозона иштирокчисига айланиши кутулапти. Бу ҳақдаги қонун 2010 йил март ойининг бошларида қабул қилинган. Унга биноан январнинг дастлабки икки ҳафтаси мобайнида миллий валюта — крона ва евро бирдай муомалада бўлади. Банк ҳисобрақамларидаги кронлар эса автоматик равишда 15,64 : 1 нисбатда еврога алмаштирилади.

Бошида ўқ билан яшаётган одам

Манчестерлик 61 яшар Питер Хесфорд деган киши 19 апрел куни ўз боғида ишлаётиб йиқилиб тушган эди. Хотинининг чакируви билан етиб келган шифокорлар Питернинг миясига қон қуйилган деган хавотирда уни Уитеншо касалхонасига олиб боришди. Бироқ рентген ва компьютер томографияси орқали текширувлар беморнинг мия бўшлиғида ўқ борлигини кўрсатди.

Бу ҳақда полицияга хабар беришди. Хесфорднинг расмини ўрганган баллистика экспертлари ўқ чолнинг калласига кўзи орқали кирган деган ҳулосага келишди. Беморнинг ўзи эса воқеа қандай юз берганини эслолмапти.

Врачлар ўқни олиб ташлашга уринишди, аммо бунинг иложи йўқлиги маълум бўлди. Ушбу ҳодиса бўйича тергов ишлари давом этаяпти.



Интернет хабарлари асосида Жамшид ҲОДИЕВ тайёрлади

Фахрийлар билан учрашув

Чирокчи иқтисодиёт коллежида Хотира ва кадрлаш куни уруш қатнашчилари билан учрашув бўлиб ўтди.

— 1990 йилда «Чиял» жамоа хўжалиги бўйича 190 нафар уруш қатнашчиси бўлган бўлса, бугунга келиб улар 21 нафарни ташкил этади, — дейди «Чиял» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Овляяр Нормўминов. — Туман мудофаа ишлари бўлими ходимлари билан биргаликда уруш қатнашчиларига «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги» юбилей медаллари ва пул мукофотларини тарқатиб чиқдик. Қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан ҳам йил давомида

ветеранларнинг ҳолидан хабар олиб тураемиз. Уруш қатнашчиларидан сўзга чиққан Умбар бобо Шодмонов ёшларга хотираларини сўзлаб берди.

Таъдбир

— 1943 йили фронтга кетиб, 1948 йилда қайтдим. 1945 йилнинг апрел ойида оғир яраландим ва Венгриянинг Будапешт шаҳридаги госпиталда даволандим. Сўнг сафга қайтиб, ҳарбий хизматни давом эттирдим.

Умбар бобо хотирала-

рини ҳарбий кўшиқлар билан ҳам ифода этди. Ўғлини соғинган она фигони, ёрига бағишланган нола, дўстини қўмсаган йигит дарди куйланган жангчи кўшиқларидан юраклар сел бўлди...

— Колхоздан ўн саккиз йигит жангга кетгандик, — дея сўз бошлади Тожи бобо Жўраев. — Саккизига фронтдан қайтиш насиб қилмади.

Боболаримизнинг хотиралари барчамизни бугунги тинч ва фаровон ҳаёт учун шукрона айтишга ундайди.

А. АКМАЛОВ

Чотқол кўриқхонасининг хушманзара табиати кўйида жойлашган «Конструктор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи

2010 йил ёз мавсумига талабномалар қабул қилади ва йўлланмалар сотади.

Соғломлаштириш мавсуми 4 сменадан ташкил топган. Ҳар бир смена 15 кундан иборат.

Мавсумнинг бошланиши — 15.06.2010 й.

Йўлланманинг баҳоси — 168000 сўм.

Қийматига 5 мартали овқатланиш, тоғларга сафарга чиқиш, бассейн, бўш вақтда маданий-спорт ўйинлари киради.

Йўлланмаларни улгуржи баҳоларда оловчиларга чегирмалар мавжуд.

Манзил: Собир Раҳимов тумани, Ғалаба-1.

Тел: 248-15-01; 248-10-03



							Раҳбар			Бахт
	Нидерландия пойтахти	Вазн бирлиги		Одат	Миллат	Жавоҳир		Мато		
								Таъм		
							Сўз кўрки			
	Серсоя дарахт				Инглиз футболчиси	Вазифа ижроси				Насл ...тор
							Ихтиёрдаги бойлик	Юк кўтариш техникаси	Яман пойтахти	
	Сузнинг айтилиши	Табиат ҳодисаси	Термин	Ҳарбий					Кема тезлиги асбоби	Қишлоқ хўжалик қуроли
	Ҳожи-акбар ... (актёр)	Кучли ёгин	Миллий таом							
							Боғловчи			
	Нота	Туркманiston валютаси								
Ойга илк қадам босган инсон	Суви транспорт соҳаси	Ов қуроли			Лавозим, мансаб		... сочин			
							Салмоқ			
Жавобгарлик ишончи	Ўзбек халқ мақоми		Ёрдам, кумақ	Узум нави		Тишини қоплаб турувчи	Халқлар орзуси	Яшил олам	Адабий жанр	
			Қадимда беш тийинлик				Хонадон мулки			
			Таянч, негиз			Нота			Қағъият	
Бўй							Қон ...			
							Спорт иншооти		Ҳажвий расм	
Бўсага	Ўзбек мумтоз шоираси				Электрод	Рақам	Мавжуд		...боб	Олқиш садоси
Самотахти	Расул Ҳамзатов ватани		Мардинсон			Италия дарёси	От пой-абзали	Бошқариш		
			Катта идиш							
Жундан тўқилган мато			Қаллик				Нота		Юз йил	Хўл мева
Сўзлашув воситаси	Само-лёт маркаси	Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод — Яхшидир ер юзин қилгандан обод — Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг Афзалдур юз қулни қилмоқдан озод.				Ҳосил ўсимлиги	Шоҳмотдаги ҳолат	Мўйна-ли жонивор	Билан (қисқача)	
									Ил-мат	
Ҳарбий унвон								Серб	Сабаб	Сай-ёра
								Вьетнам дарёси	Сузмали таом	

Умар Хайём

Фозилжон Орипов тайёрлади.

Билиб кўйган яхши

Саримсоқпиезнинг шифобахш хусусияти

Саримсоқпиез қарийб 5 минг йилдан буён халқ табиотида қўллаб келинади. Шунингдек, гижжа ҳайдовчи дори сифатида ҳам қўлланилганлиги маълум. Буюк табиб Абу Али ибн Сино саримсоқнинг куйдирилган қулини асалга қориб, темиртки каби турли яраларга, тери хасталиқларига суртишни тавсия этган.

Ундаги эфир мойи қон томирлар ҳаракатини кучайтириб, ёғ безлари ишлашини яхшилайдди. Бундан соч ўсиши тезлашади, бошдаги қазғоқ йўқолади. Соч тўкилишининг олдини олишда ҳам унинг нафи бор.

Саримсоқнинг ҳиди ўткир бўлиб, оғиздан нохуш ҳид келмаслиги учун уни истеъмол қилгач, кашнич, зира илдизини, ёки куруқ чой чайнаш даркор.

Саримсоқпиезнинг шифобахш хусусиятлари талайгина. У ўт (сафро) ажралишини кучайтиради. Қон босимини туширади, овқат ҳазм қилишни яхшилайдди, иштаҳани очади. Бўғим оғриқларида, юракнинг безовталанишида, парижонхотирликда даво бўлади. Буйракдаги тош парчалаш хусусиятига эга. Бунда уни турп билан истеъмол қилиш тавсия этилади. Қийин битадиган яраларга наф беради. Сурункали бронхит, холецистит каби хасталиқларда тавсия этилади. Шу билан бирга, у пешоб ҳайдовчи, грипнинг олдини оловчи восита ҳамдир.

1971 йили Тибет табиоти усулларини тадқиқ этаётган олимлар «Навқиронлик эликсири»га, унинг қўлланилишига оид сир-асрорларга эга бўлишди. Бунинг учун 350 г. саримсоқпиез майдаланади. Шиша идишга солиниб, устидан 200 мл. 96 фоизли спирт куйилади ва идиш оғзи зич ёпилиб, қоронғи ерда 3 кун сақланади. Аралашма томизгич ёрдамида совуқ сутга томдирилади. Шу сутдан 50 г. дан ҳар куни 3 марта таомдан олдин куйидаги тартибда ичилади:

Қабул қилиш кунлари	Эрталаб (томчи)	Тушлиқда (томчи)	Кечқурун (томчи)
1-кун	1	2	2
2-кун	4	5	6
3-кун	7	8	9
4-кун	10	11	12
5-кун	13	14	15
6-кун	15	14	13
7-кун	12	11	10
8-кун	9	8	7
9-кун	6	5	4
10-кун	3	2	1
11-кун	25	25	25

Бу муолажа беш йилдан сўнг яна такрорланади.

Саримсоқнинг бу аралашмаси танани ёғлардан тозалайди, моддалар алмашинувини яхшилайдди, қон томирлари қовушқоқлигини маромига келтиради, миокард инфарктининг олдини олади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос